2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 165 (954), 2023 йил 19 август, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРАДИГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Халқаро конгресс марказида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди.**




Бундай учрашув илк бор 2021 йил 20 августда ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан бу анъанага айланди ҳамда мазкур сана мамлакатимизда "Тадбиркорлар куни" этиб белгиланди.

Тадбир аввалида Президент Шавкат Мирзиёев ишбилармонларни ушбу байрам билан табриклаб, ўзининг чуқур ҳурмати ва эзгу тилакларини билдирди.

— Ҳар бир мамлакатда тадбиркорлар катта куч-қудрат бўлиб келган. Ўзбекистонимизда ҳам иқтисодиётни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни обод этишга ҳаракат қиляпмиз. Бунга энг катта ҳисса қўшаётган ким? Тадбиркорлар! Сизлар ҳар бирингиз қаҳрамонсиз, фидойисиз. Биз сизлар билан фахрланамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Бизнесга яратилган шароитлар натижасида бу соҳа изчил ривожланаётгани қайд этилди. Ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингтага, йирик корхоналар сони эса 400 тага кўпайган. Берилган енгилликлардан фойдаланиб, бир йилда 155 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллион доллардан ошган. Киритилган йиллик хорижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 августдаги фармонига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда намуна кўрсатаётган 44 нафар юртдошимиз давлат мукофотлари билан тақдирланди. Байрам тадбирида уларга ана шу унвон, орден ва медаллар топширилди.

Шунингдек, жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 августдаги фармойишига мувофиқ, 126 нафар илғор бизнесмен "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Давоми 3-бетда

## БМТ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар ва тинчликни барпо этиш масалалари бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча бошчилигидаги ушбу нуфузли глобал тузилма делегациясини қабул қилди.**



Узоқ муддатли Барқарор ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш борасида БМТ институт ва марказлари билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида юқори даражали вакил Мирослав Енча давлатимиз раҳбарига ташкилот Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. БМТ тузилмалари бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича ортга қайтмас ислоҳотлар дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлиги қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизнинг БМТ билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мисли кўрилмаган юксак даражага чиқди. Биргаликда қарийб 140 та дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Бош ассамблеясининг 6 та резолюцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш комиссияси, ЮНЕСКОнинг маданий мерос бўйича қўмитаси ва кўплаб бошқа тузилмаларда фаол иштирок этмоқда.

Жорий йилнинг биргина иккинчи ярмида мамлакатимизда БМТ доирасидаги қатор муҳим халқаро тадбирлар, шу жумладан, Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ФАО конференцияси ҳамда Жаҳон туризм ташкилоти бош ассамблеясининг 25-юбилей сессияси ўтказилиши режалаштирилган.

Учрашувда барқарор тараққиёт соҳасидаги миллий вазифа ва мақсадларни амалга ошириш бўйича амалий ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва бу жараёнда БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ролини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА**

## ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИ ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли бизнес вакиллари, ишбилармон тадбиркорлар, бугунги мулоқот иштирокчилари!

Бундан икки йил олдин яхши бир тажриба — Тадбиркорлар куни арафасида очиқ мулоқот шаклида сизлар билан учрашиб, тўпланиб қолган масалаларга биргаликда ечим топиш амалиётини йўлга қўйган эдик. Бугун ҳам ушбу анъанани давом эттириб, сизлар билан соғ-омон, хуш кайфиятда учрашиб турганимдан бағоят хурсандман.

Қадрли юртдошлар!

Очиқ айтиш керак, сўнгги 3-4 йилда халқаро майдонда бўлаётган ўзгаришлар дунё иқтисодиётига, шу жумладан, миллий иқтисодиётимизга ҳам катта таъсир ўтказмоқда.

Турли зиддиятлар туфайли логистика ва маҳсулот етказиб бериш занжирининг узилгани, ҳамкор мамлакатлар валютасининг қадрсизлангани, глобал миқёсда инфляция даражаси юқори бўлиб қолаётгани оқибатида молиявий ресурсларнинг қимматлашгани каби омиллар таъсирини тадбиркорларимиз жуда яхши биладилар.

Тан олиш керак, бундан буён ҳам осон бўлмайди. Йўл қўйилган камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб, фақат олдинга интилсак, бизнинг меҳнаткаш халқимиз, ишбилармон тадбиркорларимиз ҳар қандай машаққатни албатта енгиб ўтади, мен бунга ишонаман.

Дастлабки очиқ мулоқотимиз ҳам айнан жаҳондаги иқтисодий танглик ва ноаниқлик авжиға чиққан даврда ўтказилгани бежиз эмас. Сабаби — бундай мураккаб шароитда муаммоларни бевосита бизнес вакилларининг ўзидан эшитиб, уларга биргаликда ечим топиш ва бу орқали тезкорлик билан қарор қабул қилиш энг тўғри йўл эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди. Мисол учун, 2021 йилда бўлиб ўтган очиқ мулоқот натижалари бўйича 57 та, ўтган йили эса 55 та ташаббус илгари сурилган эди.

Буларнинг ҳисобидан бизнесни юритишда нима енгилликлар бўлди? Тадбиркорлар ҳаётида қандай ижобий ўзгаришларга эришилди? Умуман, биргаликдаги ташаббусларимиз натижаси мамлакатимиз иқтисодиётига қандай ижобий таъсир кўрсатди?

**Биринчидан,** ўтган йилги таклифлар асосида бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлинди ва уларнинг ҳар бири билан алоҳида ёндашувлар асосида ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, туман ва шаҳарлар ҳам 5 та тоифага ажратилди, 60 та туманга алоҳида солиқ, кредит ва молиявий ёрдам режимлари жорий қилинди. Натижада бу туманлардаги тадбиркорлар ўтган олти ойда қарийб 1 триллион сўмлик имтиёзлардан фойдаланди. Бунинг ҳисобидан 20 та тумандаги тадбиркорларнинг даромади ўтган йилга нисбатан 1,5-2 баробар ошди. Бошқача айтганда, жорий йилнинг биринчи ярмида 7 триллион сўмдан 11,5 триллион сўмга кўпайган.

Қолган 40 та туман раҳбарлари ҳам тадбиркорлар билан яқиндан ишлаб, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланганида эди, 5-тоифага кирадиган туман қолмасди.

**Иккинчидан,** қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддати қисқартирилиб, ўтган бир йил ичида — 2022 йил 1 августдан 2023 йил 1 августгача — 6 мингта корхонага 20 триллион сўм қайтариб берилди. Айниқса, экспортдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган қиймат солиғини интизомли экспортчи корхоналарга қайтариб бериш тартиби жорий қилингани натижасида 2 мингдан зиёд тадбиркорларнинг ҳисоб-рақамига 7 триллион сўм келиб тушди.

Энг муҳими, ушбу солиқ ставкасини 12 фоизга туширганимиз ҳисобидан қўшилган қиймат занжири иштирокчилари сони 26 мингтага кўпайиб, уларнинг фаолияти "соядан" чиқди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 184 мингтага етди.

Самарасиз солиқ механизмларини қўллаш оқибатида вужудга келган солиқ қарздорлигидан воз кечганимиз ҳисобидан бизнес ихтиёрида 2 триллион сўм қолди.

**Учинчидан,** кредит беришда айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, аккредитивлар ва келгуси тушумлардан ҳам гаров таъминоти сифатида фойдаланиш тизими яратилди. Бу имкониятдан фойдаланган тадбиркорларимизга 1 миллиард доллар кредитлар берилди.

Шунингдек, микро-молия ташкилотларини очиш тартибини осон қилдик. Бунинг натижасида мамлакатимизда банкларга муқобил кредитлар бозори пайдо бўлди. Натижада сўнгги бир йилда бундай ташкилотлар сони 1,5 баробар, улар ажратган кредит миқдори эса 3 баробар ошди. Бир йилда нобанк ташкилотлар 3 триллион сўм кредит берган.

Биз божхона ҳудудида қайта ишлаш тизимини соддалаштирдик. Натижада ушбу божхона режимидан фойдаланувчи тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайди. Мисол учун, бир йил ичида ушбу имконият орқали 455 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Шу тариқа 110 миллион долларлик қўшилган қиймат яратилди.

**Тўртинчидан,** илгари янги тадбиркорлар учун "кириш қийин бўлган" 119 та фаолият бўйича лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки хабардор қилиш шаклига ўтказилди. Мамлакатимиз ҳудудида биргина юкларни автомобилда ташиш фаолияти бўйича лицензияларни бекор қилиш ҳисобидан юк ташиш ҳажми 1,5 баробар ошди.

**Бешинчидан,** тадбиркорлар ўзлари айтсин, тўғри ишлайдиган солиқ тўловчилар фаолиятида текширишлар кескин қисқаргани сезилдими ёки йўқми?

Эътибор беринг, 2023 йилнинг олти ойида текширишлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40 фоиз ёки 104 мингтадан 64 мингтага камайган. Яъни тадбиркорларимиз тўғри ишлаш "сояда" ишлашдан кўра афзал эканини тушуниб етмоқда. Шунинг учун ҳам солиқ ҳисоботларини топшириш ва камерал текшириш натижалари бўйича молиявий жарималар қўллашни бекор қилдик.

Умуман, ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага кўпайиб, 490 мингга, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингтага ошиб, 10 мингга етди. Йирик корхоналар сони эса бир йилда 400 тага кўпайиб, 1,5 мингта бўлди.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ВЕНГРИЯГА БОРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан жорий йил 19-20 август кунлари амалий ташриф билан Будапешт шаҳрида бўлади.**

Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Венгрия Бош вазири билан музокара ўтказади, унда мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг дастур ва лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Президенти фахрий меҳмон сифатида Венгрия давлат байрами — авлиё Иштван кунига бағишланган тадбирларда иштирок этади ҳамда Будапештда ўтаётган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг эркаклар ўртасидаги югуриш мусобақалари финалига ташриф буюради.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, республикамизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшиб келаётгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини намоён этиб, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида ибрат ва намуна кўрсатаётгани, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони билан**

**Султонов Азамат Акрамович** — Бухоро вилояти "Бухоро агрокластер" масъулияти чекланган жамияти директори

Давоми 3-бетда

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИ ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Берилган енгилликлардан фойдаланиб, бир йилда 155 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллион доллардан ошди. Киритилган йиллик хорижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етди. Бу — 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўп демакдир.

Бўлиб ўтган очиқ мулоқотлардан кейин сўнгги икки йилда корхоналаримиз томонидан 25 миллиард долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди ва аввал импорт қилинган 10 миллиард долларлик маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳурматли бизнес вакиллари!

Юқорида қайд этилган барча натижаларимиз ташаббускор, ишбилармон ва фидойи тадбиркорларимизнинг меҳнати билан бўлмоқда ва биз буни юксак қадрлаймиз.

Шу муносабат билан ушбу ютуқларга эришишда катта ҳисса қўшиб келаётган, янги ғоялар ташаббускори бўлган кичик тадбиркорларимизга, иқтисодиётимиз локомотивига айланган ўрта бизнес вакилларига, минглаб иш ўринлари яратиб, одамларимизни даромадли қилаётган йирик корхоналар раҳбарларига, бозорларимизга барака олиб кираётган кластер, фермер ва деҳқонларимизга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Мана бугун ҳам бир гуруҳ тадбиркорларимизнинг мамлакатимиз тараққиётига қўшган ҳиссасини юксак эътироф этиб, уларнинг 44 нафарини орден ва медаллар билан, 126 нафарини эса “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирладик.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу эътирофга сазовор бўлган тадбиркорларимизга яна бир бор чуқур ташаккур билдираман ва сизларнинг сафларингиз кун сайин кенгайиб боришига астойдил ишонаман!

Азиз ватандошлар!

Бир нарсани тан олиш керакки, етти йиллик саъй-ҳаракатларимиз натижасида **Янги Ўзбекистонда янги тадбиркорлар синфи** шаклланди.

Хабарингиз бор, бу йил — сиёсий тадбирларга бой йил бўлди. Бошлаган ислоҳотларимиз ортга қайтмас тус олишини кафолатлаш мақсадида халқимиз янгиланган Конституцияни қабул қилди.

Энг муҳими, Бош қомусимизда илк бор қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, суд мустақиллиги бўйича давлат ўзига аниқ мажбуриятлар олди.

Сайловолди учрашувларида айтилган катта-катта марраларни рўёбга чиқариш учун келгуси етти йиллик ислоҳотларимиз дастури лойиҳаси август ойи бошида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муҳокамаларда бир миллиондан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилгани, бунда тадбиркорларимиздан юртимизнинг келгуси тараққиёти учун муҳим бўлган кўплаб янги-янги ташаббуслар келиб тушгани бизни албатта қувонтиради.

Шу билан бирга, биз барча масалаларни ҳал қилдик, деб айта олмаймиз. Бизнесга янги-янги имкониятлар яратиш, шароитларни янада кенгайтириш бўйича ҳали олдимизда қиладиган ишларимиз кўп.

Яратганнинг бизга марҳамат қилган ҳар бир куни, барчамиз учун янги имконият. Гап нима ҳақида эканини тадбиркорларимиз ҳаммадан ҳам яхши тушунадилар. Бундан унумли фойдаланиб, имкониятни натижага айлантириш учун барчамиз тинимсиз изланишимиз, янги ғоя ва ташаббуслардан қўрқмасдан, янада кўпроқ меҳнат қилишимиз керак.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Ушбу мулоқотимиз арафасида тадбиркорларимиздан 6 мингга яқин мурожаат келиб тушди. Улар кўтарган асосий масалалар — кредит ва молиявий ёрдамни кенгайтириш (жами мурожаатларнинг 26 фоизи), бизнесни жой ва инфратузилма билан таъминлаш (21 фоиз), солиқ тизимини соддалаштириш (10 фоиз), текширишлар ва ортиқча бюрократияни кескин қисқартириш (8 фоиз) билан боғлиқ.

Ушбу рақамларни кўриб, биласизларми, биринчи берган саволим нима бўлди? Нима учун мурожаатлар сони ўтган йилгидан кам? Лекин таклиф ва ташаббуслар билан бирма-бир танишиб, бир нарсага амин бўлдим.

Олдинги очиқ мулоқотларга тайёргарлик давомида кўтарилган масалаларнинг 80 фоизи индивидуал хусусиятга эга бўлиб, кўплари жойида ҳал қилинган эди.

Бу сафар 70 фоиз тадбиркорларимиз тизимли муаммоларни ечимлари билан таклиф қилишмоқда. Тадбиркорларимиз фақат ўзига эмас, балки бутун соҳага наф келтирадиган масалаларни кўтараётгани албатта қувонарли ҳол.

Очиқ мулоқот натижалари бўйича қабул қилинадиган қарорларда буларнинг барчаси инобатга олинади.

Энди сизлардан келиб тушган таклифлар асосида энг муҳим янги ташаббусларга тўхталиб ўтаман.

### Биринчи йўналиш — кичик бизнес учун янги имкониятлар

Маълумки, кичик бизнес — бу маҳаллага, туманга янги муҳит олиб кирадиган, одамларимизга шижоат берадиган катта кучдир.

Иқтисодиёти жадал ривожланаётган кўплаб давлатларда иш ўринларининг 70-80 фоизи шу соҳа вакиллари томонидан яратилмоқда. Барча нуфузли компаниялар тарихи ҳам айнан кичик ва ўрта бизнесдан бошланган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда микро-бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича катта амалий ишлар қилинди. Дастурлар орқали микро-бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга ҳар йили 1 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтиряпмиз. Натижада бугун ҳар бир маҳаллада камида 40-50 нафар янги тадбиркор пайдо бўлиб, минглаб доимий иш ўринлари яратилмоқда. Лекин кичик бизнесни манзилли қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида бундай муҳит ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмади, десак, адолатдан бўлади.

Биз йил бошида кичик бизнес тоифасига кимлар киришини аниқ белгилаб олдик. Энди кичик тадбиркорларнинг “оёққа туриб олиши” ва фаолиятини кенгайтириши учун мутлақо янги ёндашувларни жорий этамиз. Бунда ушбу соҳа вакилларини тадбиркорликка ўқитиш, уларга лойиҳа тайёрлаб бериш, фаолиятини молиялаштириш, маҳсулотларига бозор, бизнесига шериклар топиш бўйича яхлит экотизим яратилади.

Бунинг учун, **энг аввало**, “Қишлоқ қурилиш банк”ни “Бизнесни ривожлантириш банки”га айлантирамиз. Ушбу янги банкнинг фаолияти ҳам, ишлаш услуби ва молиялаштириш механизмлари ҳам янгича бўлади. Жумладан, банк ҳузурида ҳар бир ҳудудда жами 14 та кичик бизнес маркази ташкил этилади.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида тажриба орттирган 500 мингдан зиёд микро-бизнес вакиллари бор. Энди 9 минг 400 та маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари ўз ҳудудида микродан кичик бизнесга ўсмоқчи бўлган 3-4 нафар тадбиркорни ҳар ойда бизнес марказларига жалб қилади.

Марказлар эса ташаббускорларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашади, ўз ҳисобидан янги лойиҳа қилмоқчи бўлган тадбиркорларни ўқитади, янги лойиҳаларга зарур мутахассисларни жалб қилади, тадбиркорлар учун бухгалтерия, солиқ, аудит, маркетинг, ҳуқуқий ва бошқа консалтинг хизматларини кўрсатади.

**Иккинчидан,** ҳудудлардаги Кичик бизнес марказларида ўқиган тадбиркорларнинг лойиҳаларини энг қулай шартлар асосида молиялаштириш йўлга қўйилади.

Бунда кичик бизнес лойиҳасининг 10 фоизига тадбиркор инвестиция киритса, 45 фоизига “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг ўзи, қолган 45 фоизи учун давлат кўмагида ресурс йўналтирилади.

Ушбу мақсадлар учун бир “тадбиркорлик йили”да банкнинг ўзи 500 миллион доллар олиб келади, давлат яна шунча миқдорда маблағ ажратади. Кредитлар тадбиркорларга 5-7 йил муддатга имтиёзли шартлар асосида берилади. Ушбу маблағларнинг 150 миллион доллари бўйича кредит линиялари 1 октябрдан очилади.

Ўз бизнесини йўлга қўя олган, “кредит ва солиқ тарихи” тоза бўлган тадбиркорларга фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш учун кредит олишда гаров талаби 50 фоизга камайтирилади.

Лойиҳани амалга оширишда қўшимча ресурсга эҳтиёжи бор корхоналарга мавжуд кредитга қўшимча маблағ ажратишга рухсат берилади. Бунинг учун йилига қўшимча 1 триллион сўм ажратилади. Шунингдек, лойиҳа доирасида олиб кириладиган асбоб-ускунани суғурталаш, хомашё ва материалларни сертификатлаш харажатлари марказлар томонидан қоплаб берилади.

Умуман, дастурда иштирок этаётган кичик бизнес корхоналари фаолиятини уч йилгача текширишга йўл қўйилмайди.

**Учинчидан**, Кичик бизнес марказлари кўмагида лойиҳа ташаббускори ва йирик давлат корхоналари билан кооперация алоқалари ўрнатилади. Бунда янги корхоналарда замонавий технологияларни жорий қилиш, ходимлар малакасини ошириш ва маҳсулотини реализация қилишга Марказлар ёрдам беради.

Шу билан бирга, ушбу корхоналарга давлат харидлари тизимида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни 2 йил давомида тўғридан-тўғри шартнома билан сотишга рухсат берилади.

**Тўртинчидан,** Кичик бизнес марказларини бошқаришга хусусий шериклар жалб қилинади. Ушбу тадбиркорларга “Бизнесни ривожлантириш банки”га ҳиссадор бўлиб кириш ҳуқуқи берилади.

Шунингдек, марказларга хорижий мутахассисларни ҳам олиб келамиз. Бунда бизнес-консультант, муҳандис-технолог, дизайнер, меҳмонхона бошқарувчиси, маркетолог, агроном, ветеринар, уруғшунос каби хориждан жалб қилинган мутахассисларга Ўзбекистонда ишлаш учун рухсатнома бериш муддати ҳозирги 1 йилдан 3 йилга узайтирилади. Ишлашга рухсатнома тўлови эса ҳозирги 10 миллион сўмдан 330 минг сўмга туширилади. Уларга ҳудудий меҳнат органидан ишга жалб этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса олиш талаб қилинмайди.

**Бешинчидан,** янги тизимни жорий этиш бўйича алоҳида қонун ҳам қабул қиламиз. Бунда марказ билан ҳамкорликда кичик бизнес лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ барча жараёнлар соддалашган тартибда белгиланади.

Албатта, банк ҳам, марказ ҳам янги лойиҳа даромад келтириб, тадбиркор фаолияти ривожланишидан манфаатдор бўлиши зарур. Шунинг учун янги кичик бизнес лойиҳаси ишга тушгач, икки йил давомида улардан тушадиган барча солиқлар “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг айланма маблағи учун ўтказиб берилади. Яъни тадбиркор қанча кўп даромад топишидан банк манфаатдор бўладиган тизим яратилади.

Энг асосийси, ушбу дастурда исталган давлат банки ва хусусий банклар иштирок этиши, ўзлари ҳам ресурс жалб қилиши мумкин бўлади. Банкларнинг дастур доирасида олган фойдаси солиқ базасидан чегириб ташланади. Шунда тадбиркорларда ҳам, банкларда ҳам манфаат ва рақобат бўлади. Бунинг учун Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молиявий ташкилотлардан яна 500 миллион доллар жалб қиламиз.

Мақсадимиз — бир йил ичида камида 150 мингта кичик бизнес субъектини “оёққа турғизиш”, камида 25 мингтасини ўрта корхоналарга айлантириш, соҳада 250 мингта янги доимий иш ўрни яратишдан иборат.

### Иккинчи йўналиш — ўрта бизнес барқарор иқтисодий ўсиш гарови

Ҳурматли бизнес вакиллари!

Иқтисодиётимизнинг янги технология ва инновацияларга асосланган, сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган муҳим бўғини бу — ўрта бизнес.

Лекин ҳозир ўрта бизнес учун шароитлар етарли эмас, десак, тўғри бўлади. Фақатгина Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тижорат кредитларига кафиллик ёки компенсация бериб келяпти. У ҳам барчага эмас.

Шу боис, биз кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтиш истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам янгича ёндашувларни йўлга қўямиз. Бу борада бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд жамғармаларнинг фаолияти ҳам, ишлаш усули ҳам тубдан ўзгаради.

Энди Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (Ж.Қўчқоров) хизмат кўрсатиш бўйича, “яшил” ва энергия самарадор лойиҳаларга молиявий ёрдам кўрсатишга, Саноатни ривожлантириш жамғармаси (Ж.Ходжаев) эса саноат лойиҳалари учун масъул бўлади.

Биз жамғармаларни бошқаришга малакали хорижий менежерларни олиб келамиз. Ушбу жамғармалар бюджет маблағлари билан чекланиб қолмайди, уларга мустақил инвестиция жалб қилиш ваколати берилади. Бу орқали келгуси бир йилда ушбу жамғармалар ўрта бизнес учун қўшимча 1 миллиард доллар маблағ олиб келади.

**Биринчидан,** биз “драйвер” тармоқларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун Саноатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиб, дастлабки босқичда унга 200 миллион доллар ажратдик.

Жамғармадан 1 сентябрдан бошлаб, янги лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий валютада 5 фоиз, миллий валютада 10 фоиз ставкада 10 йил муддатга кредитлар ажратилади, саноат корхоналарига 1 йил муддатгача хорижий валютада 4 фоиз, миллий валютада 10 фоиз ставкада айланма маблағ тақдим этилади.

Бунда олиб келинадиган асбоб-ускуна учун 15 фоизлик аванс тўловлари ҳам Жамғарма томонидан кредит қилиб берилади, маркетинг, лойиҳалаштириш, хорижий мутахассис жалб қилиш харажатларининг 20 минг долларгача қисмига компенсация тўланади.

**Иккинчидан,** саноат ипотекаси тизими йўлга қўйилиб, тадбиркорларга “тайёр бизнес” шаклида ишлаб чиқариш майдонлари қуриб берилади. Жумладан, ҳар бир вилоятда камида 3 тадан янги саноат зонаси ташкил этилади.

Бундан ташқари, саноат зоналарида ишлаб чиқариш объекти ишга туширилиб, инвестиция мажбуриятлари бажарилганидан сўнг ер майдонларини хусусийлаштиришга рухсат берилади.

**Учинчидан,** охирги йилларда катта-катта инвестиция дастурларини амалга ошириш ҳисобидан мамлакатимизда 20 мингга яқин замонавий ускуналарга эга корхоналар барпо этилди. Буларнинг ярми — ўрта корхоналардир.

Бу корхоналар фаолиятини кенгайтириш учун уларга янги инвестор ва брендларни жалб қилишга кўмаклашиш зарур. Шу боис, энди агар корхона хорижий бренд ва инвестор билан келишувга эришса, унга янги ташкил қилинган Саноат жамғармаси 25 фоизгача бўлган капиталига сармоя билан кириши мумкин бўлади.

**Тўртинчидан,** Тадбиркорлик жамғармаси иқтисодиётимизнинг яна бир драйвери бўлган хизматлар соҳасига масъул бўлади.

Жамғармага салоҳиятли ўрта бизнес корхоналарига ҳиссадор бўлиб кириш ваколати берилади. Бунинг учун жорий йилда Жамғармага қўшимча 25 миллион доллар, келгуси йилда яна 100 миллион доллар ажратилади.

Шу билан бирга, Жамғарма томонидан ўрта бизнес учун хорижий валютадаги кредитларга ҳам кафиллик берилади. Жамғарма туризм, савдо ва сервис соҳаларида “хизматлар ипотекаси” тизимини жорий қилади.

Энди меҳмонхона, ресторан, савдо комплекси, автотураргоҳ, ёқилғи шохобчаси, кемпинг каби объектларнинг тайёр лойиҳалари тадбиркорларга таклиф этилади.

Шунингдек, Жамғарма тадбиркорларга хизмат кўрсатиш объекти учун ер сотиб олиш, бино-иншоотлар қуриш ва айланма маблағи учун ҳам ресурс ажратади. Шу билан бирга, корхоналарда яшил технологияларни жорий қилиш учун хорижий ҳамкорларимиздан 100 миллион доллар жалб қилинади.

Ана шу иккита янги тизим 1 октябрдан тўлақонли ишга туширилади ва келгуси бир йилда ўрта бизнесда саноат соҳасида 2 мингта ва хизматлар бўйича 10 мингта янги лойиҳалар молиялаштирилади.

Агар биргаликда астойдил ишласак, ушбу янги имкониятлар ҳисобидан қўшимча 1 миллиард долларлик хизматлар, 5 миллиард долларлик янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, 350 мингта янги иш ўрнини бемалол ташкил қила оламиз.

### Учинчи йўналиш — янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш

Азиз дўстлар!

Шубҳасиз, сўнгги йилларда бунга эътибор қаратиб, ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар оширганимиз иқтисодиётимизда юқори ўсиш суръатларини таъминлади.

Бир нарсани тўғри тушуниш керак. Биз айрим мамлакатлар каби нефть-газ ресурсларини сотиш ҳисобидан юқори иқтисодий ўсишни таъминлай олмаймиз.

Бизнинг нефтимиз ҳам, газимиз ҳам бу — Сиз каби ташаббускор ва ишбилармон тадбиркорлар хомашёдан яратаётган юқори қийматли ва сифатли маҳсулотлардир.

Шу боис, маҳсулотларимиз — ташқи бозорларда сифатли, талабгорлиги юқори ва рақобатбардош бўлиши керак. Ана шундай натижага эришиш учун ишлаб чиқаришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиб, кескин ўсиш қилишимиз зарур.

Ўтган йилги очиқ мулоқотда **“Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти”** дастурини бошлаган эдик. Дастур доирасида 100 та етакчи экспортчи корхона танлаб олиниб, уларга кредит, солиқ, божхона бўйича алоҳида режим жорий қилинди. Натижада жорий йилда бу корхоналар экспорти 1,5 баробар кўпайиб, 1,2 миллиард долларга етказилади.

Умуман, экспортни қўллаб-қувватлаш ҳисобидан сўнгги тўрт йилда бундай корхоналар сони 4,5 мингтадан 7,2 мингтага кўпайди, четга сотилаётган маҳсулот турлари 1,5 мингтадан 3 мингтага ошиб, географияси 139 та мамлакатдан 164 тага кенгайди, ташқи бозорларга тайёр маҳсулот сотиш ҳажми 2 баробар, бунда товарлар экспортидаги улуши эса 50 фоиздан 65 фоизга ошди.

Шу билан бирга, халқаро майдондаги вазият ҳисобига логистика харажатлари 3-4 марта ошиб кетди. Шу боис, биз экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни изчил давом эттирамиз. Улар учун молиявий имкониятларни янада кенгайтиришимиз зарур.

Бунда логистика харажатларини компенсация қилишга қўшимча 100 миллион доллар йўналтирамиз. Шунингдек, маҳсулотларни хорижда сертификатлаш, халқаро стандартларни жорий қилиш ва бу борада мутахассис тайёрлашга яна 25 миллион доллар ажратилади.

Биз **“Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти”** дастурини жорий йилда ҳам давом эттирамиз ва дастур билан қамраб олинадиган корхоналар сонини 500 тага етказамиз. Улар учун дастурдаги барча имтиёзлар сақлаб қолинади.

Экспортни кенгайтириш бўйича яна бир катта имконият — бу нуфузли хорижий брендларни мамлакатимизга жалб қилиш ҳисобланади. Мисол учун, йиллик бозори 100 миллиард доллардан ошадиган дунёнинг энг машҳур 50 та бренди корхоналаримиз билан ишлашга катта қизиқиш билдирмоқда.

Топшириғимга кўра, ишчи гуруҳи Испания, Германия, Польша, Туркиянинг йирик брендлари билан музокаралар ўтказиб келди. Улар маҳаллий корхоналаримизга 3 миллиард долларлик буюртма беришга ҳозирнинг ўзида тайёр. Бундай имконият бизда ҳеч қачон бўлмаган. Бунинг учун улар сўраётган 3 та энг катта масалани ҳал қилиб берамиз. Бу борада **биринчи навбатда**, ишлаб чиқаришга халқаро стандартлар, экология ва сертификатлаш талабларини жорий қиламиз. Бунинг учун маҳаллий корхоналаримиз мутахассисларини уларнинг талаби асосида ўқитамиз.

**Иккинчидан**, маҳаллий корхоналардаги ишчиларга муносиб меҳнат шароитларини яратиб берамиз.

**Учинчидан,** брендларнинг маҳсулотларини олиб кириш ва экспорт қилиш учун қулай божхона режимини жорий қиламиз.

Йирик брендларни жалб қилган корхоналарга 500 миллион сўмдан грант ажратилади. Мисол учун, Германиянинг “Дизель” брендини жалб қилган Намангандаги “Фазман текстиль” корхонаси раҳбари Неъмат Фатҳиддинов ҳамда АҚШнинг “Найк” брендини жалб қилган Андижондаги “Сино интернейшнл” корхонаси раҳбари Фан Ронгхуанга бугун биринчи бўлиб ушбу грантни беришни таклиф қиламан.

Ўйлайманки, халқаро бозорга чиқмоқчи бўлган тадбиркорларимиз бу таклифларни қўллаб-қувватлайди.

### Тўртинчи йўналиш — юқори даромадли корхоналарни кўпайтириш

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Бугунги учрашувда янги бир ташаббусни илгари сурмоқчиман.

Халқаро консультантларни жалб қилган ҳолда, электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, заргарлик, қурилиш материаллари, мебелсозлик, полимер, кимё ва озиқ-овқат саноати бўйича 140 та тайёр лойиҳа ишлаб чиқилди.

Бугун сизларга ушбу 140 та илғор саноат корхонаси лойиҳалари тақдимот қилинди. Ушбу лойиҳаларнинг жами қиймати 10 миллиард долларга тенг бўлиб, уларда 60 мингта иш ўрнини яратиш, йилига 5 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда 2,5 миллиард долларлик экспорт қилиш кўзда тутилган.

Мазкур 140 та лойиҳа электрон платформага қўйилиб, тадбиркорларга очиқ-ошкора шартлар асосида таклиф қилинмоқда. Бу ерда ўтирган тадбиркорлар орасида дастурда иштирок этишга ким қизиқиш билдирса, ҳозирнинг ўзида улар билан шартнома тузишга тайёрмиз. Уларга жойи ҳам, маблағи ҳам, инфратузилмаси ҳам ҳозирнинг ўзида ҳал қилиб берилади.

Дастурга кирган корхоналарга Саноатни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 10 йил муддатга паст фоизли кредитлар ажратилади.

Келгуси йил очиқ мулоқотда ушбу лойиҳаларни биргаликда албатта ишга туширамиз.

### Бешинчи йўналиш — содда солиқ маъмурчилиги ва бюрократиясиз қулай муҳит

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизда **тадбиркорлар қанча кўп бўлса, улар янада кўпроқ даромад кўрса**, **давлатимиз ҳам шунча бой бўлади**. Сизлардек шижоатли, ишбилармон, ташаббускор ва фидойи тадбиркорларимиз сафи бир неча карра кенгайишидан барчамиз бирдек манфаатдормиз.

Шу боис, биз тадбиркорларга солиқ юкини кўпайтириш эмас, балки уларни қўллаб-қувватлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш ҳисобидан бюджетга тушумларни ошириш йўлидан боряпмиз.

Ўтказилган сўровларда 62 фоиз тадбиркорларимиз солиқ соҳасидаги ислоҳотларимизни ижобий баҳолаган. Лекин бизнес вакиллари солиқ тизимидан, солиқчилар фаолиятидан қанчалик рози?

Мураккаб солиқ маъмурчилиги, бизнесга ортиқча аралашиш ва тизимдаги коррупция ҳолатларининг барчасидан хабарим бор. Энди бу тизимни тубдан ислоҳ қилиб, солиқ идоралари ходимлари ёндашувларини бутунлай ўзгартирамиз. Солиқ маъмурчилиги ҳам соддалашади.

**Биринчидан,** ҳозирги тадбиркорларни хавф гуруҳига киритиш тизими ёпиқ бўлиб, интизомли солиқ тўловчилар ҳам қайсидир ҳамкори қачонлардир хато қилган бўлса, унинг учун ҳам жавоб бермоқда.

Ўтказилган сўровларда қўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг 70 фоизи ушбу солиқни қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини қўллаш, яъни “tax-gap” тизими адолатсиз эканини билдирган. Солиқ тизимидаги коррупция билан боғлиқ шикоятлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани ҳам айнан “tax-gap” билан боғлиқ.

Энди, 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини қўллаш амалиётини, яъни “tax-gap”ни бекор қиламиз.

Шу билан бирга, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман соҳа вакиллари билан бирга тадбиркорларнинг очиқ-ошкора рейтингини жорий қилади. Бунда келгуси йил 1 январдан бошлаб, рейтинги юқори корхоналар барча турдаги солиқ текширувларидан озод қилинади, уларга қўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисми бир кунда қайтариб берилади, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси гувоҳномасини вақтинчалик тўхтатиб туриш амалиёти бекор қилинади.

**Иккинчидан,** камерал назорат “солиқчининг қуроли” эмас, балки тадбиркорга хатосини кўрсатиб, уни тўғрилашга ёрдам берадиган жараён бўлиши керак.

Ҳозирда эса камерал назорат тўлақонли солиқ текширувига айланиб кетгани сир эмас ва бу коррупцияга ҳам йўл очиб беряпти.

Энди камерал назоратда тадбиркордан ҳужжат талаб қилиш ёки уни идорага чақиришни қатъиян тақиқлаймиз.

Умуман, солиқчилар ўз дунёқарашини ўзгартириб, маҳалладаги катта имкониятларни ишга солиши, фақат ва фақат тадбиркорларга шароит қилиб беришлари лозим бўлади.

Шунингдек, алоҳида очиқ-ошкора платформа яратиб, солиқчилар кўрсатган хизматлар сифатига тадбиркорларнинг ўзи баҳо берадиган тизимни йўлга қўйсак, нима дейсизлар?

**Учинчидан,** ҳозирги вақтда солиққа оид битта ҳуқуқбузарлик учун тадбиркор сифатида молиявий жарима, жисмоний шахс сифатида маъмурий жарима қўлланмоқда.

Энди бундай амалиёт бекор қилинади.

Умуман, тадбиркорларга қўлланаётган жарималар улар фаолиятининг тўхтаб қолишига сабаб бўлмаслиги зарур. Шу нуқтаи назардан, уч ойда барча молиявий санкциялар қайта кўриб чиқилиб, адолатли меъёрлар белгиланади.

**Тўртинчидан,** тадбиркорнинг солиқ идоралари билан бўладиган барча низоларини маъмурий суд ваколатига ўтказамиз. Шунингдек, тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қилишидаги ҳар қандай чекловларни олиб ташлаймиз.

Солиқ бўйича тадбиркорларга нисбатан даъво киритиш муддати ҳозирги 5 йилдан 3 йилга туширилади. Бундан ташқари, солиқ ёки кредит қарзини ундириш бўйича суд қарори чиқарилганида, пеня ва фоизлар ҳисоблаш тўхтатилади.

**Бешинчидан,** ҳозирги кунда тадбиркорлар 140 дан ортиқ ҳисобот доирасида 8 мингга яқин кўрсаткичларни 16 та давлат идорасига топширишга мажбур. Оқибатда 500 минг тадбиркор ҳар йили бундай турли ҳисоботларни тайёрлашга 300 миллиард сўм сарфламоқда.

Шу боис, 2024 йил 1 январдан бошлаб бир-бирини такрорловчи ва эскирган ҳисоботлар тугатилади, барча ҳисоботларни ягона электрон тизим орқали тақдим этиш йўлга қўйилиб, уларнинг қоғоз шакли бекор қилинади.

**Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.**

Кластер тизимига ўтганимиз қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар қилишга замин яратди, десак, бу ҳам ҳақиқат. Хусусан, ўтган олти йил ичида бир гектардан олинадиган пахта ҳосили 26 центнердан 34 центнерга етди. Айниқса, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларида 40 центнергача ҳосил олинмоқда.

Пахта толасини қайта ишлаш 2,5 баробар ошиб, 100 фоизга етказилди, ип-калава ишлаб чиқариш — 2,2 баробар, тайёр маҳсулот — 5 баробар ортди.

Келгуси йилда соҳадаги экспортни 1,5 баробар кўпайтириб, 2022 йилдаги 3,2 миллиард доллар ўрнига 5 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олганмиз.

Ҳозирги вақтда пахта тўқимачилик кластерларида 600 мингга яқин аҳоли доимий даромад олиб, меҳнат қилмоқда.

Ўтган йилги пахта ҳосили бўйича жаҳон бозори билан ички бозордаги тола нархи ўртасида катта тафовут бўлгани оқибатида кластерларимиз 6 триллион сўм зарар кўрганидан хабарим бор. Шу вазиятни ҳисобга олиб, кластерларнинг 3 триллион сўм кредит қарздорлигини бир йилга узайтириб бердик.

Биз ушбу молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтирамиз. Жумладан, кластерларнинг айланма маблағлари учун бир ярим йил муддатга 3 триллион сўм кредит ажратилади.

Бундан ташқари, пахта ва сунъий толани олиб келишда транспорт харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилади, хомашё, бўёқ ва кимёвий воситалар, фурнитура, совутиш тизимлари ва аксессуарлар уч йил муддатга божхона божидан озод қилинади.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Шу ўринда сизларга алоҳида мурожаат қилмоқчиман.

Сўнгги етти йилдаги солиқ ислоҳотларимиз, тадбиркорларга берилган енгиллик ва имтиёзлар натижасида уларнинг ихтиёрида 120 триллион сўмдан зиёд маблағ қолди.

Мана бугун ҳам жуда катта қулайликлар бериляпти.

Халқимизда “қарс икки қўлдан чиқади”, деган гап бор. Ҳозирги кунда мамлакатимизда “хуфиёна иқтисодиёт”нинг улуши 40 фоиз атрофида.

Биз тўғри ишлаётган, иш ўрни яратаётган, илғор технологиялар жорий қилиб, янги маҳсулотларни ўзлаштираётган, экспортини ошираётган бизнес вакиллари учун барча шароитларни яратиб беришга тайёрмиз. Лекин солиқлардан қочиб, ўзининг мажбуриятларини бажармасдан келаётган қўштирноқ ичидаги тадбиркорларга, биз албатта муросасиз бўламиз.

Бировнинг ҳаққига хиёнат Яратганга ҳам хуш келмайди.

Шу боис, тадбиркорларимиз ўзлари ҳам бош бўлиб, бундай “нопок” ишбилармонлар сафларида бўлишига йўл қўймаса, ўйлайманки, “хуфиёна иқтисодиёт” улушини бир неча карра қисқартирамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ҳар бир йил улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш даври бўлиб қолмоқда.

Шу маънода, келгуси йиллар учун белгилаб олган режа ва дастурларимизни амалга ошириш албатта осон бўлмайди. Буни ҳам очиқ айтишимиз керак. Лекин ҳаёт синовларида тобланган, сўзида ҳам, ишида ҳам қатъий сизлардек мард ва ташаббускор тадбиркорларимиз бор экан, биз албатта кўзлаган марраларимизга эришамиз.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРАДИГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Бошланиши 1-бетда

Мулоқотда ўтган йиллардаги учрашувлар натижаларига тўхталиб ўтилди. 2021 йили бўлган очиқ мулоқот бўйича 57 та, ўтган йили эса 55 та ташаббус илгари сурилган эди. Уларнинг натижасида бизнесни юритишда кўплаб енгилликлар бўлди.

Мисол учун, ўтган йилги таклифлар асосида бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлиниб, улар билан алоҳида ишлаш йўлга қўйилди. Худди шундай, туман ва шаҳарлар ҳам 5 та тоифага ажратилди, 60 та туманга алоҳида солиқ, кредит ва молиявий ёрдам режимлари жорий қилинди.

Қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддати қисқартирилиб, ўтган бир йил ичида 6 мингта корхонага 20 триллион сўм қайтариб берилган. Энг муҳими, ушбу солиқ ставкаси 12 фоизга туширилгани ҳисобига, қўшилган қиймат занжири иштирокчилари сони 26 мингтага кўпайиб, фаолияти "соядан" чиққан.

Кредит беришда айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, аккредитивлар ва келгуси тушумлардан ҳам гаров таъминоти сифатида фойдаланиш тизими яратилди. Бу имконият орқали тадбиркорларга 1 миллиард доллар кредитлар берилган.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш тизими соддалаштирилди. Натижада ушбу божхона режимидан фойдаланувчи тадбиркорлар сони 2 баробарга кўпайди. Бир йил ичида ушбу имконият орқали 455 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Илгари янги тадбиркорлар учун "кириш қийин бўлган" 119 та фаолият бўйича лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки хабардор қилиш шаклига ўтказилди. Жорий йилнинг олти ойида солиқ тўловчилар фаолиятида текширишлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40 фоизга камайган.

Умуман, ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага кўпайган, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингтага ошиб, 10 мингга етган. Йирик корхоналар сони эса бир йилда 400 тага кўпайиб, 1,5 мингта бўлди.

Берилган енгилликлардан фойдаланиб, бир йилда 155 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллион доллардан ошган. Киритилган йиллик хорижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етган.

Очиқ мулоқотлардан кейин, сўнгги икки йилда корхоналаримиз томонидан 25 миллиард долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган ва аввал импорт бўлган 10 миллиард долларлик маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Президент Шавкат Мирзиёев мулоқотдаги маърузасида бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтди. Уларнинг ҳар бири ўз ичига кўплаб ташаббусларни қамраб олди.

Биринчи йўналиш — кичик бизнесга янги имкониятлар.

Бу соҳа вакилларини тадбиркорликка ўқитиш, уларга лойиҳа тайёрлаб бериш, фаолиятини молиялаштириш, маҳсулотларига бозор ва бизнесига шериклар топиш бўйича яхлит экотизим яратилиши қайд этилди. Бунинг учун, энг аввало, "Қишлоқ қурилиш банк" "Бизнесни ривожлантириш банки"га айлантирилади. Банк ҳузурида ҳар бир ҳудудда жами 14 та кичик бизнес маркази ташкил этилади. Уларда ўқиган тадбиркорларнинг лойиҳалари энг қулай шартларда молиялаштирилади. Бу дастурда иштирок этаётган кичик бизнес корхоналари фаолиятини уч йилгача текширишга йўл қўйилмайди.

Умуман, кичик бизнесда камида 150 мингта субъектни "оёққа турғизиш", 25 мингтасини ўрта корхоналарга айлантириш, соҳада 250 мингта янги доимий иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Иккинчи йўналишда ўрта бизнесга оид ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, кичикдан ўрта бизнесга ўтиш истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун бу борадаги жамғармаларнинг фаолияти ҳам, ишлаш усули ҳам ўзгартирилади. Саноатни ривожлантириш жамғармаси орқали янги лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий валютада 5 фоиз, миллий валютада 10 фоиз ставкада 10 йил муддатга кредитлар ажратилади.

Саноат ипотекаси тизими йўлга қўйилиб, тадбиркорларга "тайёр бизнес" шаклида ишлаб чиқариш майдонлари қуриб берилади. Жумладан, ҳар бир вилоятда камида 3 тадан янги саноат зоналари ташкил этилади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси иқтисодиётнинг яна бир драйвери бўлган хизматлар соҳасига масъул бўлади. Жамғарма туризм, савдо ва сервис соҳаларида "хизматлар ипотекаси" тизимини жорий қилади.

Ушбу янги имкониятлар ҳисобидан қўшимча 1 миллиард долларлик хизматлар, 5 миллиард долларлик янги маҳсулотлар, 350 минг янги иш ўринлари ташкил қилиш мумкинлиги айтилди.

Учинчи йўналиш янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш бўйича бўлди.

— Биз айрим мамлакатлар каби нефть-газ ресурсларини сотиш ҳисобидан юқори иқтисодий ўсишни таъминлай олмаймиз. Бизнинг нефтимиз ҳам, газимиз ҳам бу — Сиз каби ташаббускор ва ишбилармон тадбиркорлар яратаётган юқори қийматли ва сифатли маҳсулотлардир, — деди Президент.

Бу йўналиш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани самарасида сўнгги тўрт йилда экспортчи корхоналар сони 4 минг 500 тадан 7 минг 200 тага кўпайган. Экспорт маҳсулот турлари 1 минг 500 тадан 3 мингтага ошиб, географияси 139 та мамлакатдан 164 тага кенгайган.

Ўтган йили "Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти" дастури бошланган эди. Унинг доирасида 100 та етакчи экспортчи корхонага кредит, солиқ, божхона бўйича алоҳида режим жорий қилинди.

Мулоқотда мазкур дастур жорий йилда ҳам давом эттирилиши ва қамраб олинадиган корхоналар сони 500 тага етказилиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари нуфузли хорижий брендларни мамлакатимизга жалб қилиш масаласига алоҳида аҳамият қаратди. Бунинг учун хорижий ҳамкорлар сўровига мувофиқ, ишлаб чиқаришга халқаро стандартлар, экология ва сертификатлаш талабларини ҳамда қулай божхона режимини жорий қилиш, маҳаллий корхоналардаги ишчиларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш зарурлиги таъкидланди. Йирик брендларни жалб қилган корхоналарга грант ажратиш таклифи билдирилди.

Тўртинчи йўналиш — юқори даромадли корхоналарни кўпайтириш. Шу мақсадда халқаро консультантларни жалб қилган ҳолда, электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, заргарлик, қурилиш материаллари, мебелсозлик, полимер, кимё ва озиқ-овқат саноати бўйича 140 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Уларнинг жами қиймати 10 миллиард долларга тенг бўлиб, 60 мингта иш ўринларини яратиш, йилига 5 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда 2,5 миллиард долларлик экспорт қилиш кўзда тутилган. Ушбу тайёр лойиҳалар тадбиркорларга таклиф қилинди.

Бешинчи йўналиш солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, бюрократияни йўқ қилиш масалаларига қаратилди. Президент бу соҳада коррупция билан боғлиқ шикоятлар кўпайиб кетгани, қўшилган қиймат солиғини қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини қўллаш амалиёти (tax-gap) адолатсиз эканини қайд этди. Шу боис, 1 октябрдан бошлаб, ушбу амалиёт бекор қилиниши белгиланди.

Барча молиявий санкциялар қайта кўриб чиқилиб, адолатли меъёрлар белгиланиши таъкидланди.

Шунингдек, тадбиркорнинг солиқ идоралари билан бўладиган барча низоларини кўриш маъмурий суд ваколатига ўтказилади. Уларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қилишидаги ҳар қандай чекловлар олиб ташланади.

Ишбилармонларнинг вақти ва харажатларини тежаш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб, бир-бирини такрорловчи ва эскирган ҳисоботлар тугатилади. Барча ҳисоботларни ягона электрон тизим орқали тақдим этиш йўлга қўйилиб, уларнинг қоғоз шакли бекор қилиниши айтилди.

— Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ҳар бир йил улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш даври бўлиб қолмоқда. Ҳаёт синовларида тобланган, мард ва ташаббускор тадбиркорларимиз бор экан, биз албатта кўзлаган марраларимизга эришамиз, — деди Президент сўзининг якунида.

Очиқ мулоқот савол-жавоб тарзида давом этди. Тадбиркорлар айтган таклиф ва муаммолар юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

**ЎзА**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

### "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Бакиев Дилшод Бахтиярович** — Оҳангарон шаҳридаги "Оҳангарон қувур металлургия заводи" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

**Иминжанов Адхам Шарипжанович** — Наманган шаҳридаги "Ифтихор кийим саноат" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти

**Набижонов Зокиржон** — Қўрғонтепа туманидаги "Khantex-Group" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Расулов Улугбек Джамалитдинович** — Чилонзор туманидаги "Orient Ceramic" хусусий корхонаси таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Саинуридинов Саидмухтор Саидгаффарович** — Оҳангарон шаҳридаги "Premier Electrotech" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти

**Ҳожиев Шабон Тўраевич** — Вобкент туманидаги "Кумушкент ипаги" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Эргашев Тожимурод Тошпўлатович** — Бандихон туманидаги "Хўжаипок Тошкент" қўшма корхонаси бош директори, Сурхондарё вилояти

### "Дўстлик" ордени билан

**Абдуллаев Рахматжон Ахмадович** — Янгиҳаёт туманидаги "Almerro Group" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Атабаев Бахрам Рузметович** — Қўшкўпир туманидаги "Уммон балиқ" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Бекжанова Амина Каримбаевна** — Мўйноқ туманидаги "Muynak Tour" масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кабулов Иркин Абдусаматович** — Жиззах шаҳридаги "Jizzax Eco Textile" масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори, Жиззах вилояти

**Маматқулов Бекзод Акмалович** — Яшнобод туманидаги "BMB Trade Group" компанияси кузатув кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

**Маншаев Алексей Николаевич** — Қибрай туманидаги "Kanishka Fur" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

**Мирзиятов Миртохир Мирджамилович** — Юнусобод туманидаги "Chipland" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Олимов Кахрамонжон Анварович** — Миробод туманидаги "New retail" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Усманова Барчиной Маматкуловна** — Гулистон шаҳридаги "Agro Youth" ишлаб чиқариш кооперативи директори, Сирдарё вилояти

**Файзиев Ибрагим Ахмаджонович** — Навоий шаҳридаги "Navpromlitmash" масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

**Хидоятов Анвар Киличович** — Оҳангарон шаҳридаги "Silk Plast Quality" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти

**Хуршит Иляс** — Бухоро туманидаги "Buxara Varnet" хорижий корхонаси таъсисчиси ва бош директори, Бухоро вилояти

**Шарипов Тохир Мирахимович** — Сергели туманидаги "Alutex" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Шукурлаев Дилшод Далерович** — Самарқанд шаҳридаги "Zarmed Pratiksha Hospital Group" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Эшонхожаев Ахмадхон Маматхонович** — Косонсой туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Наманган вилояти

### "Шуҳрат" медали билан

**Артиқов Ўктамжон Абдирайимович** — Асака туманидаги "Sino International Invest" масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Ахмедов Акмал Қавилжонович** — Шароф Рашидов туманидаги "Euro Aziya Motors" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

**Гюмюш Махфуза Маликжановна** — Тўрақўрғон туманидаги "Runamtex" хорижий корхонаси директори, Наманган вилояти

**Дадаходжаев Сайдулло Махаммаджанович** — Андижон туманидаги "Emery Pharma" масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Дарбишев Жавлонбек Абдухаликович** — Мирзаобод туманидаги "Gulistan Gold Yarn" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти

**Джуманова Гавхаржан Рахимбаевна** — Урганч шаҳридаги "Darital Shoes" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Джўраева Иқлима Маджитовна** — Ғиждувон туманидаги "Фирдавс Ўктам Амон омади" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Ибрагимов Шерзод Баходирович** — Миробод туманидаги "MAAB Innovation" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

**Иминов Нуриддин Акбарович** — Қўштепа туманидаги "Водий наслли қуёнлари" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Карамова Кундуз Зайдуллаевна** — Қарши шаҳридаги "Бувижоним пишириқлари" хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Курбанов Алишер Курбанович** — Музработ туманидаги "Амирқул бобо" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Кучкунов Турғун Қурбонович** — Фориш туманидаги "Rustex Invest Products" масъулияти чекланган жамияти маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Мирзаева Садоқат Алишеровна** — Фарғона туманидаги "Art House Sadosh" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Муратов Шухрат Кахарович** — Қарши шаҳридаги "Alp Texno Servis" хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Муратова Нигора Хамдулоевна** — Яшнобод туманидаги "Nika Medical Service" хусусий клиникаси директори, Тошкент шаҳри

**Норбоев Анвар Очилович** — Каттақўрғон туманидаги "Каттақўрғон электротехника заводи" масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Примбетов Қаллибек Нурмахамбетович** — Нукус туманидаги "Nukus Agro Fish Klaster" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Саидова Дилрабо Аликовна** — Конимех туманидаги "Pride Workwear" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Хаджиев Одил Таджибаевич** — Бағдод туманидаги "Ғофуржон деҳқон" масъулияти чекланган жамияти директори, Фарғона вилояти

**Халилов Насимжон Алимович** — Косон туманидаги "Косон файз барака" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти

**Шеров Жўрамурод Сафарович** — Бухоро шаҳридаги "Ягона Бухоро" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 18 август

**БИЗ ВА ДУНЁ**

# Ўзбекистон – Венгрия: УЗОҚ МУДДАТЛИ ШЕРИКЛИК ЙЎЛИДА

### Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 19-20 август кунлари ташриф билан Венгрияда бўлади.

Венгрия Марказий-Шарқий Европадаги жадал ривожланаётган давлатдир.

Ўзбекистон мустақиллигини Венгрия 1991 йил 26 декабрда тан олган, 1992 йил 3 март куни эса мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган эди.

Шу пайтдан бошлаб изчил ривожланиш йўлига кирган сиёсий мулоқот бугунги кунга келиб, янги ўсувчанлик касб этдики, у барча даражадаги ўзаро муносабатларнинг юқори фаоллиги билан ажралиб туради.

Венгрия бош вазири Виктор Орбаннинг 2021 йил март ойида Ўзбекистонга, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил октябрь ойида Венгрияга расмий ташрифлари замонавий босқичда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга кучли туртки берди. Хусусан, икки давлат раҳбарларининг Будапештда бўлиб ўтган учрашуви якунлари бўйича 15 та икки томонлама ҳужжат, жумладан, Стратегик шерикликни ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма баёнот имзоланди.

Ўзбекистон ва Венгрия БМТ, ЕХҲТ, Венгрия кузатувчи мамлакат сифатида фаолият юритадиган Туркий давлатлар ташкилоти сингари халқаро ташкилотлар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Венгрия бош вазири Виктор Орбан 2022 йил 11 ноябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти йиғилишида иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрди. Президент Шавкат Мирзиёев ва бош вазир Виктор Орбан жорий йил март ойида Анқарада бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдан ташқари саммити доирасида ҳам учрашдилар.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар механизми самарали ишламоқда, юқори даражадаги ташриф алмашувлари фаоллашди. Масалан, Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петр Сийярто мамлакатимизга бир неча бор ташриф буюрди. Ташрифлар чоғида республикамиз вазирлик ва идораларида самарали музокаралар ўтказилди, давлатимиз раҳбари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Парламентлараро яқин мулоқот ҳам йўлга қўйилган бўлиб, у бугунги кунда фаол ташриф алмашувлари ва икки мамлакат парламентларида дўстлик гуруҳлари фаолият олиб бораётгани билан ажралиб туради.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликда ҳам янги ўсувчанлик юзага келди. Бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликнинг ўсиш нуқталари тобора кўпайиб бормоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, шунингдек, 2021 йил февраль ойида ташкил этилган Ишбилармонлик кенгаши бу борадаги ҳамкорликнинг самарали механизмлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Жорий йил 27 июль куни Будапештда Ҳукуматлараро комиссиянинг 8-йиғилиши ва Ўзбекистон — Венгрия бизнес форуми бўлиб ўтди. Уларнинг якунлари бўйича иқтисодиёт, савдо ва молия, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, илм-фан ва таълим, тиббиёт ҳамда фармацевтика, маданият ва сайёҳлик сингари соҳаларда қўшма лойиҳалар бўйича янги келишувларга эришилди.

Икки томонлама товар айланмаси 2018 йил охиригача салкам икки баробар ўсди, 2022 йил якунлари бўйича 92,7 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида ўзаро савдо ҳажми 40 миллион доллардан ошди.

Ўзбекистоннинг Венгрияга экспортининг асосини тўқимачилик маҳсулотлари, хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ташкил этади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Венгриядан фармацевтика, чорвачилик маҳсулотлари, механик ва электр ускуналари ва бошқа товарлар импорт қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Венгрия капитали иштирокида ташкил этилган 16 корхона муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 10 таси қўшма корхоналардир. Улар орасида Венгриянинг фармацевтика, меҳмонхона бизнеси, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ҳамда савдо соҳаларида фаолият кўрсатадиган "Гедеон Рихтер", "ЭГИС", "ЭНИКО", "Хорус Интертрейд энд Консалтинг" ва бошқа компаниялари бор.

Сармоявий ҳамкорлик ҳам жадал равнақ топмоқда. Венгриянинг "ОТП банки" Ўзбекистондаги "Ипотека-банки"нинг давлат улушини хусусийлаштиришни якунлаш, Тошкент вилоятида "БонаФарм" ва "Мастер Гуд" билан қўшма паррандачилик кластерларини барпо қилиш, "Виз Эйр Узбекистан", "Виз Эйр" қўшма авиаташувчини ташкил этиш, Жиззах вилоятида "КИТЭ" компанияси билан интенсив мевали боғлар яратиш ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, "РАБА" ва "Жойсон Сэйфти" компаниялари билан Ўзбекистонда автомобилларнинг бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш ва бошқа йирик лойиҳалар амалга оширилиш босқичида турибди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатларимиз минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. 2021 йили имзоланган Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисидаги Битим доирасида минтақавий даражадаги амалий ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича аниқ қадамлар ташланмоқда. Ўзбекистоннинг Тошкент, Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳамда Венгриянинг Пештен, Веспрем ва Фейер вилоятлари минтақавий маъмуриятлари раҳбарларининг ўринбосарлари бошчилигида доимий фаолият кўрсатадиган ишчи гуруҳлар тузилган, шунингдек, ўзаро кўргазмалар, бизнес-форумлар ўтказиш ва савдо миссияларини ўз ичига олган минтақалараро ҳамкорликнинг босқичма-босқич дастурларини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

2022 йил 10 ноябрь куни Самарқандда Туркий давлатлар ташкилоти саммити арафасида Ўзбекистон — Венгрия бизнес форуми бўлиб ўтди. Унинг доирасида икки мамлакат вазирликлари, идоралари, тармоқ бирлашмалари ва етакчи компаниялари раҳбарлари ўртасида G2B ва B2B учрашувлари ташкил этилди. Тадбирлар якунлари бўйича 8 та ҳужжат, жумладан, автомобилсозлик, транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш, енгил саноат ва паррандачилик соҳаларида битим ва шартномалар ҳамда тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва балиқчилик соҳаларида Англашув меморандумлари имзоланди.

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик кўлами ҳам тобора кенгаймоқда — илмий, ижодий ва маданий делегациялар алмашувлари доимий тус олган.

2011 йил ноябрь ойида Венгрия Президенти Пал Шмитт Бухорога ташрифи чоғида машҳур венгер шарқшуноси ва XIX аср сайёҳи Арминий Вамберининг шарафига вилоят ўлкашунослик музейида ёдгорлик лавҳасининг очилишига бағишланган маросимда иштирок этди.

Яна бир эътиборли жиҳат, Президентимизнинг Венгрияга ташрифи кунлари Венгрия давлати ташкил топган сана, 20 август — анъанавий асосий давлат байрами — Венгрия давлати асосчиси Авлиё Иштван куни нишонланади. 970-975 йиллар оралиғида таваллуд топган Иштван I Венгриянинг биринчи қироли бўлган. У 1000 йили расман тож кийган ва 1038 йилга қадар давлатни бошқарган. Қизиқарли жиҳати шундаки, чўқинтирилишидан аввал унинг исми келиб чиқиши туркий сўз бўлиб, "қаҳрамон" ёки "етакчи" номини англатадиган Вайк бўлган. Тарихий солномаларда Иштван I Европа русумидаги мустақил Венгрия давлатига пойдевор қўйган адолатли, саховатли ва оқил монарх сифатида тилга олинади.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Венгрия Инсон ресурслари вазирлиги ўртасида Маданият соҳасида 2021-2023 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланган.

2017 йил 21 декабрдаги Таълим, илм-фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим олий таълим жабҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2018 йилдан буён Венгрия ҳар йили Ўзбекистон фуқароларига ушбу мамлакатдаги университетларда ўқиш учун 30 та грант стипендиялари тақдим этиб келаётган эди, 2020 йил апрель ойидан бошлаб уларнинг сони 170 тага кўпайди. Ҳозирги кунда Венгриядаги таълим муассасаларида 100 нафардан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари таҳсил олмоқда.

2021 йил июнь ҳамда 2023 йил май ойларида Будапешт ва Тошкентда университетлар ректорларининг Ўзбекистон — Венгрия форумлари бўлиб ўтди. Уларнинг натижалари бўйича томонлар ўртасида 60 дан ортиқ битимлар тузилди.

Кўп йиллардан буён Ўзбекистон ва Венгрия университетлари Европанинг "Темпус", "Эрасмус" ва бошқа таълим дастурлари доирасида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бош вазир Виктор Орбаннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкентда Дебрецен университети филиалини очиш тўғрисида битим имзоланди. Бу филиал Ўзбекистонда уч йўналиш — қишлоқ хўжалиги, биотехнология ва фармацевтика бўйича мутахассислар тайёрлайдиган Венгриянинг биринчи таълим муассасаси бўлади.

Венгрияда ўзбек тили ва адабиётини ўрганишга қизиқиш ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг уч нафар олими биринчи марта 2023 йил май ойида Будапештдаги Лоранд Этвёш университетида уч ҳафта давомида ўзбек тили курсини ўтказди.

Венгрия томони билан инновациялар соҳасида кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, инновация инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш ҳамда Венгрия тадқиқотлар, ривожланиш ва инновациялар бўйича миллий бошқармаси билан биргаликда стартап лойиҳалар ва акселератор дастурларини қўллаб-қувватлаш, инкубаторлар ва технопарклар соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йили бўлиб ўтган Ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилиши доирасида ўзаро туристик оқимларни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Шу ўринда қайд этиш ўринлики, Ўзбекистонда 2018 йил февраль ойидан бошлаб Венгрия фуқаролари учун соддалаштирилган виза режими амал қилмоқда.

Тошкент ва Будапешт ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновларининг йўлга қўйилиши муҳим воқеа бўлади. Жорий август ойида ушбу йўналишдаги биринчи ҳаво қатновини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ва Венгрия шаҳарлари ўртасида ҳаво алоқалари ўрнатилиши, шубҳасиз, сайёҳлар оқимининг сезиларли даражада кўпайишига хизмат қилади.

**"Дунё" АА**

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТААССУРОТЛАРИ

# МАВЖУД МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАРГА БИРГАЛИКДА ЕЧИМ ТОПИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

**Президентимизнинг тадбиркорлар билан анъанавий очиқ мулоқоти том маънода давлат ва соҳа вакиллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, тадбиркорларни қийнаётган масалаларни ҳал этишнинг самарали йўли бўлиб қолаётир.**

Кеча бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда давлатимиз раҳбари камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб, фақат олдинга интилсак, меҳнаткаш халқимиз, ишбилармон тадбиркорларимиз ҳар қандай машаққатни енгиб ўтишига ишонч билдириб, муаммоларни бевосита бизнес вакилларининг ўзидан эшитиб, уларга биргаликда ечим топиш ва бу орқали тезкорлик билан қарор қабул қилиш энг тўғри йўл, дея таъкидлади.

Чиндан ҳам очиқ мулоқотда тадбиркорларнинг айни дилидаги гаплар айтилди. Давлат раҳбари ҳаётий ташаббус ва ғояларни ўртага ташлаб, соҳа вакилларини янги мақсадлар сари руҳлантирди. Шу жиҳатдан олганда, ушбу тадбир соҳани ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш бўйича ўзига хос мулоқот майдонига айланмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, Президентимизнинг тегишли фармойиш ва фармони асосида тақдирланган бир гуруҳ тадбиркорларимизга шу ернинг ўзида давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Шундан келиб чиқиб, юксак мукофотларга лойиқ кўрилган соҳа вакилларидан айримларининг фикрларини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

## ЎЗЛАШТИРИЛМАГАН ЁКИ ҚАРОВСИЗ ЕРЛАР БОР

### УЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНТИРИШ МУМКИН

**Азамат СУЛТОНОВ,**
**“Бухоро агрокластер” МЧЖ директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими**



**Бир вақтлар қишлоқ хўжалигида барқарор иш ўринлари, деган тушунча деярли йўқ эди. Фақат мавсумий иш ўринлари бўларди. Кластер тизими мана шу каби қатор масалаларнинг ечими бўлди.**

Биз узоқ йиллар қишлоқ хўжалигида таваккалчилик асосида фаолият юритдик. Сув сарфи, ерга муносабат — ҳеч бирида билимни ишга солмадик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кластер тизими йўлга қўйилгач, соҳага кенг имкониятлар берилди. Шу билан бирга, зиммамизга ҳам катта вазифалар юкланди. Имкониятлардан унумли фойдаланиш учун изланишимиз керак эди. Бу борада ислоҳотлар бизга куч берди. Замоннинг ўзи бизнинг олдимизга ҳар жабҳада илғор бўлиш, изланиш шартини кўндаланг қўйди.

Кластеримиз ташкил этилганига атиги тўрт йил бўлишига қарамай, катта натижаларга эришдик. “Бухоро агрокластер” тизимида элликка яқин корхона мавжуд. Шулардан бири — “Бухоро агрокластер ДЗЗ” корхонасида сутни қайта ишлаш ва қадоқлаш йўлга қўйилган. Биласизми, қишлоқ хўжалигида ўзлаштирилмаган ёки қаровсиз ерлар бор. Аммо уларни ҳақиқий даромад манбаига айлантириш мумкин. Шу мақсадда қаровсиз майдонда замонавий мажмуа барпо этдик. 2021 йилда очилган корхонада бугунги кунда йилига 22 минг тонна сут қайта ишланмоқда. Ундан тайёрланаётган кефир, сут, пишлоқ, йогурт, қаймоқ, сметана каби маҳсулотлар тури 40 дан ортиқ. 150 киши иш билан таъминланган. Мақтаниш эмас, бу каби корхоналаримиз кўп. Иш кўлами ва даромаднинг ортиши билан кластер фаолиятини кенгайтириш, барча хизматлар, эҳтиёжни ўз имкониятларимиз орқали қоплашга ҳаракат қилдик.

Бухоро вилояти экин майдонларининг шўрланганлик даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Бу ҳолат тупроқ таҳлилини талаб қилади. Яъни ушбу ресурснинг кимёвий таркиби ўрганилиб, шу орқали ўсимликларнинг минерал ва органик ўғитларга бўлган талабини билиш орқалигина ҳосилдорликни ошириш мумкин. Ана шу талаб боис, корхона тизимида ер майдонлари унумдорлигини аниқлаб берувчи замонавий лаборатория ташкил қилдик.

Шунингдек, корхонамиз тизимидаги “Бухоро агрокластер-чорва” МЧЖда интенсив гидропоника усулида озуқа маҳсулотлари етиштириш ҳам йўлга қўйилган, 1 килограмм буғдойдан 7 килограмм “яшил озуқа” етиштириш имконияти мавжуд. Бу, харажатлар 3 баробарга камайишига хизмат қилади.

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот вақтида хаёлимдан шундай гаплар ўтди: бир вақтлар ўзингизни қийнаётган муаммони ҳал қилиш учун давлат раҳбари у ёқда турсин, маҳаллий ҳокимликнинг эшигини тақиллатишга ҳам юрагингиз бетламас эди. Чунки барибир сизни ҳеч ким ҳатто тингламас эди-да. Энди бевосита давлат раҳбарининг ўзи бизга юзланиб, “Нима муаммо бор, қандай имконият зарур?” деяпти. Бу катта рағбат ва қўллаб-қувватлаш.

Мулоқот давомида кластерларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари янада кенгайтирилиши, айланма маблағлар учун бир ярим йил муддатга 3 триллион сўм кредит ажратилиши каби енгилликлар таъкидланди. Имкониятлар кенгаймоқда. Демак, шунга яраша зиммамиздаги масъулият ҳам ортади.

Давлатимиз раҳбари кўксимга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвони нишонини тақаётганда соҳа ривожи учун янада фаол бўлишим, мана шу ишончни оқлашим зарурлигини ҳис қилдим. Албатта, бу ишончга муносиб меҳнат қиламиз.

## ТАДБИРКОРГА МУНОСАБАТ ТУБДАН ЎЗГАРГАН



**Бекзод МАМАТҚУЛОВ,**
**Яшнобод туманидаги “BMB Trade Group” компанияси кузатув кенгаши раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби**

**Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти анъанавий тусга кирди. Янги Ўзбекистон тадбиркорлари 20 август санасини интиқлик билан кутади. Яъни ўзидаги барча савол ва муаммолари билан шахсан давлат раҳбарига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Энг муҳими, бу ерда уларга ечим топади ва албатта, келажак учун ўз олдига янги мақсадлар қўяди.**

Навбатдаги учрашувда ҳам давлатимиз томонидан ушбу йўналишда амалга ошириладиган бешта устувор вазифа санаб ўтилди. Кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтиш жараёни, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш, молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари шулар жумласидан.

Албатта, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Ўзгаришлар катта. Лекин шулар қаторида айрим камчиликлар ҳам учраб турибди. Президентимизнинг айнан солиқ борасида бюрократиянинг йўқ қилиниши бўйича билдирган таклифлари ишбилармонлар, экспортчи корхоналар учун қўл келади.

Корхонамиз ҳам экспорт билан шуғулланади. Ўтган йили 35 миллион доллардан ортиқ экспорт амалиётини амалга оширдик. Бунда тадбиркорга боғлиқ бўлмаган ҳолларда узилишлар, тўхталишлар бўлиб қоларди. Бугун ана шу муаммолар ечими топилди.

2023 йил 1 октябрдан Tax Gap бекор бўлиши тадбиркорларни мамнун қилди. Текширувларнинг катта синфдаги тадбиркорларга уч йилга тўхтатилиши ҳам катта имконият, деб ўйлайман.

Берилган шароитлардан оқилона фойдаланиб, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари, қўшимча қиймат яратиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш олдимиздаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Компаниямизнинг Бахмал туманидаги йўналиши бўйича заъфарон етиштирилади. Бугунги кунда ушбу маҳсулот қайта ишланиб, Италия, АҚШ бозорларига экспорт қилиняпти. Бу мамлакатимизда тадбиркорликка берилган катта имкониятнинг бир самараси, деб биламан.

Охирги етти йилда мамлакатимизда тадбиркорлик муҳити тубдан яхшиланди. Тадбиркорга муносабат мутлақо ўзгарди. Тадбиркор ўз ҳурматига, ўрнига эга бўлди. Чекка-чекка жойлардаги тадбиркорлар меҳнати муносиб рағбат топиб, тақдирланяпти.

Учрашувда тадбиркорлар учун молия муассасаси номи ўзгартирилиб, “Бизнесни ривожлантириш банки” ташкил этилиши, унинг устав фонди 1 миллиард доллар қийматида белгилангани, айнан тадбиркорлар билан ишлаши қайд этилгани яна бир катта воқелик бўлди.

## ТАШАББУС БИЛАН КЎЗЛАНГАН МАРРАГА ЭРИШИШ ОСОН

**Малика ПОДШОЕВА,**
**“Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, Бойсун туманидаги “Малика” хусусий корхонаси раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳибаси**



**Ҳунармандлик билан шуғулланаётганимга 40 йилдан ошди. Авваллари бу йўналишга бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун шунчаки бир восита сифатида қараларди. Бугун эса бу соҳа ҳақиқий даромад манбаига айланиб, ҳунармандлар тадбиркор, бизнес олами вакили сифатида тилга олинади. Миллий руҳда тикилган сўзаналар, гиламлар, кийимларда қадриятларимиз авлоддан-авлодга ўтиб келаётганини кўриб, завқланасан киши.**

Ҳунармандлар сулоласининг бешинчи авлодиман. Ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар ўрни тобора ортиб боришига қарамай, қўл меҳнатига асосланган буюмларга талаб пасайгани йўқ. Бу, албатта, бизни қувонтиради. Бой маданий меросимизни қайта тиклаш, ривожлантириш мақсадида “Малика” хусусий корхонасини ташкил этиб, Бойсун каштачилик мактабининг энг қадимги турларини қайта тиклашга муваффақ бўлдик. Даромадимиз яхши. Маҳсулотларни маҳаллий бозорлар ва сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган туристик марказларга етказиб берамиз.

Миллий ҳунармандлик маҳсулотлари Бойсуннинг нафақат ташриф қоғозига айланди, балки ҳудуд ёшларининг бандлигини таъминлашда ҳам ечим бўлмоқда. Қадим анъаналарни замонавий тажриба билан уйғунлаштириб, катта ютуқ ва натижаларни қўлга киритишимизда яратилаётган имкониятлар яхшигина таянч бўляпти. Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда уйда ўтирган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки жисмоний имконияти чекланган аёлларга ҳунар ўргатиб келяпмиз.

Бизни қувонтиргани, чет элликлар ҳам қизиқиб, миллий ҳунармандчилигимизни ўрганяпти. Хусусан, бойсунликлар қўлида сайқал топаётган тўқувчилик ва тикувчилик маҳсулотлари кунчиқар юрт вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбек — Япон уюшмаси томонидан япон аёллари учун маҳорат дарслари, ўқув-амалий машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Бойсун туманидаги ҳунармандлар марказида япониялик шогирдларга ҳам ҳунар сирларини ўргатяпмиз.

Ҳунармандларга имтиёзли кредитлар ажратилиб, лойиҳаларини молиялаштириш учун зарур маблағ йўналтирилгани қўлигул инсонлар учун катта имкониятлар туҳфа этди. Бир йил аввалги очиқ мулоқот кўп йиллик муаммоларга ечим, янги лойиҳаларга асос бўлган эди. Билдирилган таклифлар, берилган ваъдаларнинг барчаси ҳужжатлар кўринишида қонуний кучга кирди ва кўплаб ислоҳотлар амалга оширилишида муҳим омил бўлди.

Тўғриси, бу сафарги мулоқотни ҳам ҳаётимга қувонч олиб кирадиган шодиёна кундек интиқлик билан кутдим. Очиқ мулоқот тизимли ишларнинг давоми сифатида ҳар биримизнинг катта ютуқларга эришишимизга хизмат қилади.

Охирги йиллардаги ислоҳотлар бизда бизнес юритишга ишончни оширди. Хусусан, уста-шогирд анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаши, зарур хомашё сотиб олиши ва ишчиларни иш ҳақи билан таъминлаши учун 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 баробаридан кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратилиши соҳага қизиқиши бор, аммо сармояси йўқ ҳунармандлар учун яхши имконият бўлди.

Давлатимиз раҳбари очиқ мулоқотда келгуси йиллар учун белгилаб олган режа ва дастурларимизни амалга ошириш осон бўлмаслиги, лекин ҳаёт синовларида тобланган, сўзида ҳам, ишида ҳам қатъият бор, мард ва ташаббускор тадбиркорлар билан кўзланган марраларга албатта эришилишига ишонч билдирди. Куни кеча “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу эса зиммамга доим элимизга нафи тегадиган ташаббуслар билан чиқишдек масъулиятли вазифани юклайди.

## ЮКСАК ИШОНЧ ВА РАҒБАТ

### ЯНАДА ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

**Гавҳар РИЗАЕВА,**
**Паркент туманидаги “Заркент Гавҳари” фермер хўжалиги раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳибаси**

**Президентимизнинг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти чоғида айтган ҳар бир гапи бизни ғурурлантирди. Яна бир бор “Иккитагина иш ўрни яратган тадбиркорни елкамда кўтараман”, дея таъкидлади. Бу ишонч, бу рағбат ортида самимият ва ҳақиқат борлигини ҳар биримиз ўз фаолиятимизда кўряпмиз. Мен эл-юртга хизмат қилишга бел боғлаган, одамларни иш билан таъминлаб, оилалар фаровонлигига ҳисса қўшишни мақсад қилган мамлакатимиз тадбиркорларининг бир вакили сифатида олдимга янада катта мақсадларни қўйдим.**



Бир аёл сифатида ўзимни бахтли ҳис қиламан. Чунки, аввало, юртимиз тинч, оилаларимиз хотиржам, фарзандларим бағримда. Қолаверса, қўлимда ҳунарим, ишим бор. Бир нечта йўналишда тадбиркорлик қилиб, шунинг ортидан одамларни иш билан таъминлаяпман. Асосийси, доим интилиш, ҳаракатдаман. Булар бари инсонга фақат мамнунлик бағишлайди.

Бугун ана шу қувончим янада ортди. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан бир гуруҳ ишбилармон, мамлакатимиз иқтисодиётига ҳисса қўшаётган инсонлар қатори мен ҳам “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирландим. Хушхабарни эшитиб, чекка бир қишлоқдаги аёлга бўлган эътибор, эътирофдан кўнглим кўтарилди. Яна қанча тадбиркор хотин-қиз мендек қувонаётганини тасаввур қилаверинг.

Ўзим қишлоқ хўжалиги соҳасида 2006 йилдан буён ишлаб келаман. Фермер хўжалигини ташкил этганимда, ишни мева-сабзавот, узум етиштиришдан бошлаганман. Ҳозир хўжалигимизда асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик ҳам бор. Минерал сув ва қоғозни қайта ишлашни йўлга қўйганмиз. Хўжаликда 20 та доимий, 30 та мавсумий ишчи меҳнат қилади. Тармоқларнинг ҳар биридан оладиган даромадимиз ўзига яраша. Аммо асосий йўналишимиз ва даромадимиз узумчиликдан. Фермер хўжалигидаги 76 гектар ер майдонининг салкам 35 гектарида узумзор ташкил этилган.

Мен истиқомат қиладиган Заркент қишлоғи азалдан узумчиликда донг таратган. Қишлоғимиз аҳолисининг 90 фоизи миришкор боғбонлар. Бу ернинг табиати, иқлими, лалми ерлари, қир-адирлари узумчилик учун қулай. Шу боис, бу ерда пишиб етиладиган узумлар таъми, кўриниши билан бошқа ҳудудларникидан ажралиб туради. Паркент туманига кириб келишингиз билан қир-адирликлар, баланд тепаликлар оралаб юраверсангиз, йўл-йўлакай турли усулда парваришланаётган узумзорларга кўзингиз тушади.

Бу ерликлар узум етиштиришда ўзига хос тажрибага эга. Аксарияти авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Мен ҳам соҳа сирасрорини қайнотам — машҳур боғбон устозимиз Тожибой Ризаевдан ўзлаштирганман. Бугун улар асос солган боғ-роғларда меҳнат қилиб, тажрибаларини ёшларга, келажак авлодга ўргатяпмиз. Масалан, узум ҳосили териб олингач, бошқа ҳудудлардаги каби ток ерга кўмилмайди. Бизда бир оз бошқачароқ, ток новдалари ерга ётқизилиб, ўзининг барглари билан ёпилади. Заркентликларнинг аксарияти токни шу усулда қишдан омон сақлайди. Ўтган йили Аграр соҳа аёллари уюшмаси аъзоси сифатида Навоий вилоятига бориб, ўз тажрибамни уларга ўргатиб келдим. Бажарилиши лозим бўлган агротехник тадбирларни кўрсатиб бердим. Бундай тажрибаларни бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштиришга ҳаракат қиляпмиз.

Умуман, қайси соҳа бўлмасин, уни яхши билган, тушуниб иш қилган тадбиркор доим натижага эришади, даромад топади. Хўжалигимизда майизбоп кишмиш, экспортбоп пушти тойфи, суғдиёна, ризамат ҳамда винобоп узумлар етиштирилади. Ўтган йили ички бозорга 200 тонна, экспортга 300 тонна маҳсулот чиқардик. Бу йилги ҳосилдорлик ҳам яхши, ҳозиргача 80 тонна узум тердик. Қўшни давлатларга мунтазам экспорт қилиб келяпмиз.

Ҳосил охирида узумнинг бир қисмини хонадонимизда ота-боболаримиздан қолган сояки усулда қуритамиз. Ҳар йили 10-12 тонна узум қуритиб, майиз қиламиз. Қизиғи, қуёш керак бўлмайди, салқин жойда қуритилади. Майизлар 2,5-3 ойда тайёр бўлади. 3 килограмм кишмишдан ўртача 1 килограмм майиз олинади.

Кўпчилик тадбиркорликнинг даромадига қизиқади, аммо меҳнат қилмасдан туриб, натижа кутиш — хато. Асосийси, ҳозир аёлларимиз ҳамма ишлардан ортиб, илм олишга, тадбиркорлик қилишга, ўзига қараб, дам олишга ҳам вақт топяпти. Чунки бунга шароит, имкониятлар бор. Кўнглимиз хотиржам ишлаймиз, бошқаларга ҳам ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Оилалар фаровон, дастурхонлар тўкин, одамлар хурсанд бўлса, биз бундан икки карра қувонамиз.

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

# МАҚСАДИМИЗ – ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

**Мустақиллик эркинлик, хусусан, сўз ва фикр эркинлиги билан чамбарчас боғланган. Чин маънодаги мустақиллик ҳур ва эркин фикрли жамият, халқ образида намоён бўлади. Шу маънода, мамлакатимизда журналист кадрларни тайёрлашга ахборот сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралаётгани қувончли ҳодиса.**

**Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
сиёсий фанлар номзоди,
профессор**



Президентимизнинг 2018 йил 24 майдаги қарорига мувофиқ, мутлақо янги тамойиллар, замонавий шарт-шароит ва таълим дастури асосида мутахассислар тайёрлайдиган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилгани медиа соҳаси ривожидаги муҳим қадам бўлди. Ўз йўналиши бўйича Марказий Осиёда ягона университет мамлакатимизда журналистика мактабини шакллантириш, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Зеро, озод ва мустақил юртда тараққиётни, демократик қадриятларнинг амалда бўлишини цензура ва босимларсиз ижод қиладиган, халқимизни қийнаётган оғриқли муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, ечим топа оладиган журналист кадрларнинг янги тўлқинигина таъминлай олади.

## Ахборот — тараққиёт барометри

Дунёнинг ривожланган барча мамлакатлари кучли, кенг қамровли ахборот тизимига эга. Қаерда ахборот айланиши суст бўлса, тараққиёт ҳам суст кечади. Собиқ иттифоқ даврида ҳам, ундан кейинги даврда ҳам журналистикага қалами ўткир, тили аччиқ одамлар керак бўлмай қолди. Сўз эркинлиги анқонинг уруғига айланди. Журналист кадрлар танқислиги юзага келди. Малакали мутахассислар бошқа соҳаларга ўтиб кетди. Ваҳоланки, мукаммал ахборот тизимисиз ривожланиш мушкул. Сўз эркинлиги — демократиянинг қон айланиш тизими, дейилиши бежиз эмас. Ахборотнинг очиқлиги, ошкоралиги, тезкорлиги халқ онгу тафаккури билан уйғунликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти шаффофлиги, жамият олдида ҳисобдорлигини оширишга хизмат қилади. Янги Ўзбекистонда бу ҳақиқат англанган ҳолда оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти учун муҳит яратилган, журналистларни тайёрлашга катта эътибор қаратилган.

Яратилган имконият ва шароитлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёти, бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ мавзулар чуқур ўрганиладиган, илмий тадқиқотлар, ижодий изланишлар қилинадиган, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрланадиган маконга айланган.

Журналистик таълим йўналишлари сони ва қамрови йилдан-йилга ошиб бормоқда. Университетимизда дастлабки ўқув йилида 2 та факультет, 2 та кафедра мавжуд бўлган бўлса, айни кунга келиб 4 та — босма ОАВ ва ноширлик иши, халқаро ва аудиовизуал журналистика, интернет журналистикаси ва медиаменежмент, халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетлари, 10 та кафедра, шунингдек, 12 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, журналистик таълим монополлаштирилмаган. Журналист кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари сони кўпаймоқда.

## Йўналишлар кенгайиб, қамров ошмоқда

Университет ташкил этилган йилда биз дифференциал таълим шаклини танладик ва журналистикани ихтисосликларга бўлиб, 8 та бакалавриат таълим йўналиши ҳамда 10 та магистратура мутахассислиги бўйича ўқитишни бошлаган эдик. Университетда янги йўналиш, янги ихтисослик очилиши сон жиҳатидан кенгайишга, сифат жиҳатидан такомиллашишга хизмат қилмоқда. Бу ўқув йилида эса яна янги ихтисосликлар қўшилди, айни кунда 17 бакалавриат таълим йўналиши ва 17 магистратура мутахассислиги мавжуд.

Университетимиз ташкил этилган дастлабки йилда интернет журналистикаси, медиадизайн, босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси, медиамаркетинг ва реклама, телерадиожурналистика, спорт журналистикаси, халқаро журналистика, ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар, кейинги ўқув йилларида ҳарбий журналистика, сиёсатшунослик йўналишларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур ўқув йилидан санъат журналистикаси, саёҳат журналистикаси, иқтисодий журналистика, психология, социология каби янги таълим йўналишлари ташкил этилди.

Магистратурада ҳам ноширлик иши ва муҳаррирлик, босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси, сиёсий-ҳуқуқий журналистика, интернет журналистикаси, спорт журналистикаси, олий журналистика курслари, халқаро журналистика, телевидение ва радиоэшиттириш, ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар, медиаменежмент, PR менежмент ва PR таҳлил мутахассисликлари мавжуд эди. Энди улар қаторига амалий сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати, ҳарбий журналистика, медиамаркетинг ва реклама, медиадизайн ҳам қўшилган.

Барча таълим йўналишидаги талабалар учун чет тил биринчи курсдан тўртинчи курсгача дарс жадвалидан тушмаяпти. Ҳар бир талаба камида иккита хорижий тилни билиши учун университетнинг тиллар марказида нафақат инглиз тили, балки турк, араб, хитой, немис, француз, рус, испан, корейс тиллари ўқитилади. Қозоқ, қирғиз, туркман, тожик тилларини ўргатиш ҳам кўзланмоқда. Айнан мана шу иккинчи хорижий тил билан қўшимча равишда турли минтақалар ҳаётини пухта биладиган халқаро журналистлар, сиёсий шарҳловчилар, сиёсатшуносларни етиштириш учун минтақашунослик кесимида кадрлар тайёрлаш сари қадам қўйганмиз.

Бугунги журналистикамиз ривожи учун жуда керак бўлган дрон журналистикаси, мультимедиа журналистика, конвергент таҳририят, робот журналистикаси, ҳарбий журналистика, спорт шарҳловчилиги, кризис даврида PR, медиасаводхонлик ва фактчекинг, копирайтинг, креатив фикрлаш каби янги фанлар киритиб борилмоқда.

Олдинда қиладиган ишларимиз жуда кўп. Таълим даргоҳимизни Марказий Осиёда нафақат медиа ва коммуникацияга ихтисослашган ягона, балки коммуникация базасига қурилган йирик гуманитар университет сифатида ривожлантириш мақсадидамиз.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

## Танаффусдан сўнг очилган йўналиш

Бизда кўп йиллар сиёсатшунослик таълим йўналиши ёпиқ эди. Ўзбекистон олийгоҳларидаги сиёсатшунослик кафедралари ҳеч қандай расмий изоҳларсиз 2010 ўқув йили учун талабаларни қабул қилишни тўхтатди. 2013 йилдан бошлаб эса кафедра ва факультетлар ёпила бошлаган. 2015 йили Ўзбекистонда сиёсатшунослик фани ўқитилмаслиги расман эълон қилинди.

Ваҳоланки, сиёсатшунослик фани ривожисиз, етук сиёсатшунос мутахассисларсиз фуқаролардан юксак сиёсий саводхонликни талаб қилиб бўлмайди. Фан ривожи, таълим йўналиши мавжудлиги аҳоли дунёқарашида соғлом сиёсий иммунитетни шакллантиришга ёрдам беради.

Университетдаги халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетида ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар, амалий психология, социология йўналишлари бўйича жами талабалар сони 525 нафарни ташкил қилади.

Республикадаги барча олий таълим муассасалари қатори Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳам кредит-модуль тизимига ўтган. Бу жараёнда ҳар бир талаба биринчи курсдан тўртинчи курсга қадар 240 кредит тўплаши керак бўлади.

Амалдаги ўқув режалар анча соддалаштирилган. Аввал битта семестрда 8, 9, ҳатто 12 тагача фанни ўзлаштириш режалаштирилган бўлса, ҳозир 5 ёки 6 фанни ўзлаштириш белгиланмоқда. Фанларни шакллантириш ва семестрларга тақсимлаш талабалар сўровларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, гуманитар фанлар камайишига ва мутахассислик фанлар кўпайишига олиб келяпти. Масалан, бир талаба ўқишга кириб битиргунга қадар тахминан 30 та фанни ўзлаштирадиган бўлса, шундан 3 таси, яъни 1 фоизи гуманитар фанларга тўғри келмоқда.



**Амалдаги ўқув режалар анча соддалаштирилган. Аввал битта семестрда 8, 9, ҳатто 12 тагача фанни ўзлаштириш режалаштирилган бўлса, ҳозир 5 ёки 6 фанни ўзлаштириш белгиланмоқда. Фанларни шакллантириш ва семестрларга тақсимлаш талабалар сўровларидан келиб чиқиб амалга оширилади.**

## Педагоглар таркибини шакллантиришда тажриба ва илмий салоҳиятга эътибор қаратилди

Университетимизда 2022-2023 ўқув йилида 3355 талаба таҳсил олди. Дастлабки йилларда, яъни 2018-2019 ўқув йилида 119 нафар бакалавр ўқишни бошлади (танлов 1 ўринга 7,5 киши бўлган). Келаси ўқув йилида 609 талаба, пандемия пайтида 1558 талаба, ундан кейинги йил бир ярим баробар кўпайди ва 2605 нафар бўлди. Бундан шуни кўриш мумкинки, университетимизга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган йили биз биринчи бакалавр қалдирғочларимизни учирма қилдик, улар 119 нафар эди. Бу йил битирувчиларимиз 552 нафар. Рақамлардаги тафовут ёшларнинг соҳага қизиқиши юқорилиги, шунингдек, мамлакатимизда медиа соҳаси мутахассисларига эҳтиёж муттасил ошиб бораётганидан далолат беради.

Қамров ошиши янги педагогик жамоани шакллантиришни тақозо этди. Биз илмий салоҳиятли, шу билан бирга, журналистик амалиётда катта тажрибага эга бўлган, ҳаётнинг пасту баландини кўрган педагоглар жамоасини шакллантиришга эътибор қаратдик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, умуман, ҳаётий тажрибага эга инсонларни таклиф қилдик. Улар ёшларимизни сўзнинг, ахборотнинг қадрини англашга, соҳа масъулиятини ҳис қилишга, Ватанимиз, она тилимизни севишга, ўзгалар шахсини ҳурмат қилишга ўргатмоқда. Ўз касбининг устаси бўлган, ҳақиқат ва адолат йўлида хизмат қиладиган журналистларни тарбияламоқда. Ҳар бир талаба билан индивидуал ишлаш асосий талаб.

Университетимиз профессор-ўқитувчилари сони ҳам талабалар сони сингари ўсиб борди, аммо бу жараёнда илмий салоҳият кўрсаткичларимиз ҳар йили пасайиб борарди. Сабаби, сўнгги 10-15 йилда журналистика ихтисослиги бўйича илмий даража олган ўқитувчиларимиз сони саноқли эди. Қувонарлиси, илмий изланиш олиб бораётган профессор-ўқитувчиларимиз кўп. Шу беш йил давомида 26 ҳамкасбимиз филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 4 нафари филология фанлари доктори (DSc) диссертациясини ёқлади. Умумий илмий салоҳият бугун 38 фоизни ташкил этади.

Университетимизда ёш олимларни рағбатлантириш, илмий салоҳиятни доимий ривожлантириш сари ҳаракат катта. Докторантурада 22 докторант, 39 мустақил тадқиқотчи илмий изланиш олиб бормоқда.

## Шарт-шароит — кутилган натижа сари қисқа йўл

Сифатли ўқув жараёнини мустаҳкам моддий-техник базасиз ташкил этиб бўлмайди. Тўғри, бино, техника билим бермайди, бироқ зарур шарт-шароит яратади. Тўғрисини айтсак, университет фаолиятини нолдан ташкил этиш осон кечгани йўқ. Аввало, талабалар учун зарур шароит яратишимиз талаб этиларди. Янги университет учун шаҳар маркази, тарихий Қашқар маҳалласидан бино танланди. Жойлашув ҳақиқатан қулай эди. Бинонинг марказда қад ростлаши талабалар журналистиканинг қайноқ муҳитида бўлиши, жумладан, марказий таҳририятларда амалиёт ўташига қулайлик туғдирарди.

Университетимизнинг янги ўқув биноси, талабалар турар жойи зарур техника воситалари билан жиҳозланган. Дарс учун зарур интерактив доска бўладими, онлайн конференция ўтказиш учун PTZ камера бўладими, ҳаммаси бор. 396 ўринли талабалар турар жойи кир ювиш машинаси, музлаткич, телевизор, Wi-Fi router каби зарурий техника ва қурилмалар билан жиҳозланган. Университетда яшил ҳудуд яратилган, табиат бурчаклари ташкил этилган. Очиқ ҳавода дарс ўтишга мўлжалланган учта “Open Air” майдончаси, талабалар пресс-клуби мавжуд.

Германиянинг дунёга машҳур “Deutschwelle Academy” билан радиостудия, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA) билан телестудия, телевизион павильон ташкил этилган. Хитойнинг “Huawei” компанияси кўмагида замонавий фотолаборатория ҳамда коворкинг марказ фаолият юритмоқда. Бу талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш имконини беради.

Университетимиз АҚШ, Туркия, Жанубий Корея, Латвия, Литва, Хитой, Россия, Қозоғистон каби мамлакатларнинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хорижий университетлар билан 25 га яқин меморандум имзоладик. Буларнинг барчаси талабаларимиз ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши ва замонавий медиа бозорида муносиб ўрин топиши учундир. Бугун ОАВ таҳририятларида ўз ўрнини эгаллаб бораётган ижодкорлар орасида университетимиз талабалари жуда фаол.

Эзгу мақсадларимиз кўп. Ахборот майдони ва медиа соҳасига кириб келаётган сунъий интеллект шароитида янги кадрларга эҳтиёжни ҳисобга олиб, ўқув жараёнига замонавий фанларни киритиш, магистратура ва докторантура бўйича янги йўналишлар очиш, илмий изланиш қилаётган ёшларнинг янги трендлар билан биргаликда тарихий жараёнларда ролини, миллатимиз ойдинлари — жадидларнинг бизга қолдирган публицистик меросини чуқурроқ ўрганиш ва интеллектуал меҳнат самараси бўлган ишланмаларини тижоратлаштириш кабилар шулар жумласидандир. Буларнинг негизидаги энг асосий мақсад эса ҳақиқат ва адолат йўлида хизмат қилувчи журналист кадрларни тайёрлашдир.

“Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!”. Бу менинг, сизнинг, барчамизнинг олий мақсадимиз ва фаолиятимиздаги асосий шиоримиздир. Буни амалга ошириш учун бизда салоҳият, билим, куч ва мотивация етарли. Бу шиор олий мақсадларимиз сари бизни бирлаштиради.



ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

# “ИБРАТ ФАРЗАНДЛАРИ”

## ТЕКИН, ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ УШБУ ЛОЙИҲА ДАРСЛАРИНИ 12 МИЛЛИОН КУЗАТУВЧИ КЎРДИ

**Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этган “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси хорижий тилларни содда ва креатив усулда, энг асосийси, текин ўргатишни мақсад қилган. Лойиҳа қисқа вақтда YouTube платформасида қарийб 304 мингдан ортиқ фойдаланувчини қамраб олди. Унда эълон қилинган дарсларни 12 миллионга яқин кузатувчи кўриб улгурди. Ушбу натижа ёшлар ўртасида чет тилини ўргатишни оммалаштириш нечоғлик зарурлиги, бу йўналишда текин онлайн дарсларга талаб юқори эканини кўрсатди.**

Лойиҳа орқали мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги истеъдодли ёшлар, молиявий томондан имконияти чекланган, лекин тил ўрганишга иштиёқи баланд ўқувчиларга хорижий тилларни ўргатиш, саводхонлигини ошириш кўзда тутилган. Унинг доирасида хорижий тилларни ўрганиб, юқори натижаларга эришган йигит-қизлар чет элнинг нуфузли университетларини тамомлаган фаоллар билан мулоқот қилади. Бундан ташқари, лойиҳадан инглиз тилини ўрганувчи, IELTS сертификатини олишни мақсад қилган ёшлар ўқиш, сўзлашиш, ёзиш ва тинглаб тушуниш кўникмасини мустаҳкамлаш учун фойдаланиши мумкин.

Бўстонлиқ туманида “Ibrat Camp Top-100” лойиҳасининг навбатдаги босқичи ўтказилди.

— Бугунги йиғилишимиздан мақсад юртимизнинг турли ҳудудидан келган иқтидорли, фаол ва хорижий тилларга қизиқиши юқори ёшларни бир жойда тўплаб, улар ўртасида мулоқот ўрнатишдан иборат. Шунингдек, хориж тажрибасига эга тренер ва спикерларни жалб қилган ҳолда тингловчиларнинг тил билиш кўникмаларини янада ривожлантиришдир, — дейди лойиҳа менежери Рисолат Махсимова. — Бу жараёнда улар 10 дан ортиқ хорижий тилларни бепул пухта ўрганишлари мумкин. “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси хорижий тилларни ўргатиш орқали ёшларни дунёнинг энг нуфузли университетларига йўналтиришни кўзда тутади. Бу орқали ўзбекистонлик ёшларнинг салоҳиятини янада юксалтириш ва соҳанинг халқаро даражада етакчилари бўлишига замин яратиш мақсад қилинган.

Инсон капиталини ривожлантириш, сифатли таълим олиш имкониятини таъминлаш орқали ёшларнинг истеъдод ва қобилиятини тарбиялаш, ўзи танлаган соҳада муваффақият қозониши учун зарур кўникма ва тажриба билан қуроллантириш мумкин. Инсон капиталига сармоя киритилиши барқарор иқтисодий ўсиш ва инновацияларга йўл очади, мамлакатнинг ривожи ва рақобатбардошлигини оширади.

Ёшларнинг етакчи университетларда билим олишга интилишини қўллаб-қувватлаш мамлакатни билим яратиш ва инновациялар соҳасида биринчи ўринга олиб чиқади.

Ўзбекистон ёшлари халқаро даражада муваффақиятга эришиш учун катта имкониятга эга. Илм-фан ва инновацияларда биринчилар қаторида бўлишга салоҳиятимиз етади.

Лойиҳа раҳбари Рустам Қориевнинг айтишича, профессионал мураббийлар 13 тил бўйича 22 турдаги тизимли ва алифбодан бошланган дарслар мажмуасини ишлаб чиқмоқда. “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси ёрдамида турли тиллар бўйича билимларни қисқа муддатда қулай жойда туриб эгаллаш мумкин. Лойиҳа барча учун тенг ва тилни текин ўрганиш имконини тақдим этмоқда.

Пойтахтда чет тилларни ўрганишга ёшлар учун имконият етарли. Аммо чекка ҳудудларда-чи? Уларда бу борада айрим муаммолар юзага келиши мумкин. Ана шу муаммоларга “Ибрат фарзандлари” том маънода ечим бўлди. Лойиҳа фаолларининг биринчи қадами Бўстонлиқ туманида “Ибрат оромгоҳи”ни ташкил қилиш бўлди. Оромгоҳда шу кунга қадар бир ярим мингга яқин йигит-қиз ўқитилди. Уларнинг аксарияти энг чекка ҳудудлардан. Ҳозир оромгоҳнинг ёзги мавсумидаги машғулотларга 250 га яқин йигит-қиз жалб этилди. Хорижий тилларни тизимли ўрганган, жаҳоннинг энг нуфузли университетларида, жумладан, Стенфорд, Гарвард, Йел университетлари ва бошқа нуфузли ОТМларда ўқиган менторлар ёшларга дарс бермоқда. Мақсад фақат тил ўргатиш эмас, чин маънода глобал лидерларни тайёрлашдир. Чунки жуда кўп соҳалар борки, ўз мутахассисига эга эмас. Машғулотларда иштиёққа тўла ёшлар қандай қилиб хориждаги нуфузли университетга ўқишга кирсам бўлади, деган саволга жавоб топмоқда. Уларнинг кўпи келажакда ўзи ўйлаган марраларга, албатта, етади.

— Ўқув марказида болаларга инглиз тилидан дарс бераман. Ушбу оромгоҳ ҳақида дўстларимдан эшитиб келдим, — дейди Бухоро давлат университети битирувчиси Камола Саидова. — Бу ерда энг илғор 100 таликка кирувчи нуфузли университетларга ҳужжат топшириш ва уларнинг 100 фоизли грантини қўлга киритиш тартибини ўрганяпман. Шундай грантларни ютган менторлар қизиқарли, фойдали дарслар ўтяпти. Улар ёрдамида шу пайтгача қилган хатоларимизни тушуниб, билмаганларимизни ўрганишга ҳаракат қиляпмиз.




УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Ибрат фарзандлари” Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб ўзбек тили грамматикасини онлайн ўргатиш тизимини ҳамда хорижликларга ўзбек тилини ўргатишни йўлга қўйган лойиҳадир. Унинг доирасида “Ibrat Academy” иловаси ишлаб чиқилди. Ўрганувчилар унда нафақат видеодарслар кўриши, балки ўзининг тил билиш даражасини мунтазам текшириб бориши, билимини мустаҳкамлайдиган синов-машқларни бажариши, сўз бойлигини интерактив усулда ошириши мумкин.

**Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**





НАФИС САНЪАТ ЖИЛОСИ

**“Ойни қучоқлаш” маъносини англатувчи “айқулаш” сўзи қанотида қорақалпоқнинг ифтихорига айланган миллий ансамбль мана неча йилки, дунё кезиб, жаҳон аҳлининг-да диққатини тортиб келади. Бунда энг муҳими — гуруҳ дастуридаги рақсларнинг қизиқ воқелик асосида яратилиши ва таъсирчан ифода этилиши. Тўғри, рақс ижрочидан, аввало, бу нафис санъатга чексиз муҳаббат, улкан маҳорат талаб қилади. Аммо бирламчи масала — ғоя.**

# ИФТИХОР ТИМСОЛИСАН, “Айқулаш”!

Шу йил ўзбек рақс санъати афсонаси Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 110 йиллигига бағишланган бадиий тадбирда “Айқулаш”га бўлган муҳаббатимиз, рақсларидаги нозик воқеликларга қизиқишимиз янада ортди. “Баҳор” вальси билан бошланган концерт дастурида озарбайжонларнинг “Гайтаги”, бошқирдларнинг “Проказницы”, беларусларнинг “Спеу дубрау”дек жозибадор рақсларига маҳлиё бўлиб турганимизда, “Айқулаш” миллий фольклор ансамблининг “Қиз-йигитлар сайли” рақсига навбат берилди. Ўшанда рақс намойишидан сўнг “Айқулаш” билан яқиндан танишишни дилга туккандик.

### Жонли ёхуд қамчили кўприк

“Қиз-йигитлар сайли”дан англаганимиз шуки, овулдаги гўзал бир байрамга (тантана, тўй, дейиш мумкин) келаётган сулув қизлар катта ариққа дуч келади. Сувдан ўта олмай ўйланиб турган бу қизларга ёрдам бериш учун гўё аввалроқ келиб, уларни кутиб турган овулнинг забардаст йигитлари чаққонлик билан ҳаракатга киришади. Қаҳрамонлар қизларни авайлаб, оёқларини сувга тегизмай ариқдан олиб ўтади. Йигитлар уларни кўтариб олиб ўтмади, балки қўлларидаги қамчилар ёрдамида кўприк ҳосил қилди. Икки қатор бўлиб саф тортган йигитлар қамчиларини шундай жипсладиларки, қизлар бу мустаҳкам кўприк устидан бамайлихотир, худди чинакам кўприкда юргандек ўтдилар.

Яна бир диққатга сазовор кўриниш — йигитлар айлана ҳосил қилганча белбоғларини ечиб, ундан бўйрага ўхшаш бир нарса тўқидилар. Устига бир йигитни ўтказиб, “йигит бўлсанг, чинакам эр йигит бўл, мард бўл”, деган маънода уни икки-уч бор осмонга қараб отдилар. Ҳар иккала мураккаб ҳолатда ҳам йигитлар қизлар олдида ўзларининг жўмард, ботир эканини, аслида ҳам йигит киши шундай бўлиши лозимлигини кўрсатишга уринди. Қизларнинг ҳам уларга ҳурмати ошиб, қувноқ рақслари, илиқ табассумлари билан йигитларга эш бўлди.

Саҳнанинг ўзида, жуда қисқа муддатда бундай ҳаракатларни амалга ошириш раққос ва раққосалардан жуда катта куч, профессионаллик ва довюраклик талаб қилади.

— Ушбу рақс воқеликларини бир йилча хаёлда пишитиб юрганман, — дейди ансамбль бош балетмейстери, Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Мадреймов. — Чунки рақсдаги деталлар тасвирини, ҳар бир хатти-ҳаракатни шакллантириш, айниқса, кўприк ҳосил қилиш жараёнини саҳнада қандай кўрсатиб бериш билан боғлиқ масалалар кўп вақт талаб қилади. Қорақалпоқ ёшларининг қувноқ сайиллари, йигит-қизларнинг соф севгиларини акс эттирадиган рақсларимиз кўп.

“Айқулаш”нинг бирорта рақсини шунчаки томоша қилмайсиз. Рақс аввалида бошланган воқелик намойиш сўнгига келиб, аниқ бир якун бера олиши билан аҳамиятли. Масалан, “Гул юзли”да латофатли қизларнинг юзи гулғунчага қиёсланаётгани аниқ-тиниқ англашилса, “Шаши баулу қиз” (“Сочи боғланган қиз”) рақсида шодиёнага йиғилган йигит-қизларнинг байрамона кайфияти уларнинг жозибадор ҳаракатида акс этади. Қўбиз чалганларида қизларнинг иффату назокати ёқимли куйга уйғунлашса, ғурурли йигитларнинг мардлиги, жасурлиги кескин-кескин ҳаракатларида кўзга ташланади. Қорақалпоқ қизларининг ўзига хос фазилатлари, ички руҳиятини нафис ҳаракатларда акс эттирган “Қорақалпоқ қизлари” ҳам ансамбль дастурида ўзига хос аҳамиятга эга. “Шўх жигеттер” рақси эса мағрур қизлар ҳақида. Ҳазилга бой бу рақс ғояси устида ҳам балетмейстер узоқ йиллар ишлаган. Йигитлар мағрур қизнинг кўнглини олиш ғоят қийин эканини тан олиши билан ниҳояланган ушбу рақс ҳам ансамбль репертуарида алоҳида ўрин тутади.

“Чағалайлар”, “Чавандоз” рақсларида эса раққос йигитларнинг жўшқин ҳаракатлари кишини ўз-ўзидан рақсга чорлайди.

Умуман олганда, Пўлат Мадреймов асарларини либретто шаклида жонлантиришга интилгани боис, томошабин воқелик мазмунини англаб олиш учун бутун диққатини рақсга беради. Бу эса “Айқулаш”нинг ўзига хос мактаб яратишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

### Миллий маданият ва санъатга садоқат намунаси

— Ансамбль ижодий жамоаси кўп асрлик бой санъатимизни тарғиб этиб қолмай, халқимизнинг маънавий дунёсини янада бойитиш, ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муносиб ҳисса қўшиб келаётир, — дейди Қорақалпоғистон маданият вазири Қалбай Турдиев. — Ушбу ансамбль давлат тадбирларининг концерт дастурлари, республика миқёсида ўтказиб келинаётган умумхалқ байрамлари, фестиваллар ва бошқа маданий тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ансамбль жамоаси Россия, Озарбайжон, Молдова, Украина, Беларус, Грузия, Арманистон, Жанубий Корея, Хитой сингари қатор давлатларда гастроль сафарларида ва фольклор фестивалларида қатнашиб, халқаро маданий ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми саналган бахшичилик, жировчилик, қўшиқчилик билан бир қаторда қорақалпоқ миллий хореография санъати ҳам бетакрор ҳаракатлари билан қалблардан жой олиши сир эмас.

— Қорақалпоқ миллий хореография санъати анча илгари шаклланган бўлиб, миллий рақсларимиз бўлган “Айқулаш”, “Қиз узатув”, “Бешик тўй” ва ҳоказоларда ҳозирги замонавий рақс санъати кўринишлари ифодаланганини кўрамиз, — дейди Қалбай Турдиев. — Ҳозирги замонавий рақсимиз XX асрнинг 20-40-йилларида шаклланa бошлаган. Ҳар бир халқ ўзига хос миллий санъатини дунёга танитар экан, биз ҳам фахр билан айтамизки, “Айқулаш” — қорақалпоқ миллий рақсларини жаҳон саҳнасида улуғлаб келаётган миллий фольклор ансамблидир.

1956 йили “Қўшиқ ва рақс” ансамбли номи билан ташкил қилинган жамоа 1966 йили “Айқулаш” қорақалпоқ қўшиқ ва рақс ансамбли, 1976 йили “Айқулаш” қорақалпоқ миллий рақс ансамбли, 1982 йили “Айқулаш” қорақалпоқ давлат қўшиқ ва рақс ансамбли, 2006 йили “Айқулаш жулдизлари” қорақалпоқ фольклор ансамбли, 2019 йилдан эса “Айқулаш” қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли сифатида қайта ташкил қилинди.

— “Айқулаш”нинг бугунги даражага етиши учун кўплаб қобилият эгалари бор кучғайратини сарфлади. Айниқса, бош балетмейстер Пўлат Мадреймов, Ўзбекистон халқ артистлари Байрам Муродов, Байрам Матчонов, Отажон Худойшукуров, Гулпаршин Сиримбетова, Тамара Дошумованинг исмларини ҳурмат билан тилга олиш жоиз, — дейди “Айқулаш” қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли директори Бегис Темирбоев. — Ўзбекистон халқ артисти, “Айқулаш”да узоқ йиллардан буён бош балетмейстерлик қилаётган Пўлат Мадреймов ишга келган дастлабки кунларданоқ унинг ҳаёти тубдан ўзгарди, репертуари ҳар томонлама бойиди. У саҳналаштирган “Чавандозлар”, “Орол йигитлари”, “Қорақалпоқча лирик рақс”, “Жилва”, “Илми султон”, “Дали йигит”, “Бир пиёла чой” ва бошқа кўплаб рақслар қорақалпоқ хореографиясининг классикасига айланди. Бугунги кунга келиб, ансамбль репертуари юзга яқин турли жанрдаги рақс ва композицияларга эга.

### Янгича ёндашувлар муваффақиятларни бошлаб келаверади

Ижодий жамоанинг репертуар сиёсати, режиссура ва актёрлик санъатидаги янгиликлар, халқаро маданият майдонида орттирган тажрибаси жамоанинг узоқ йиллик машаққатли меҳнати билан боғлиқ. Қолаверса, қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди ғоят бой ва гўзал. Бундан ҳамиша завқ, илҳом оладиган “Айқулаш” халқимиз юрагига етиб борадиган, қалбларни забт этадиган янги асарлари билан фаолиятини давом эттирмоқда.

2021 йил “Айқулаш” жамоаси учун муваффақиятларга бой бўлди. Шу йили ансамбль Бошқирдистонда бўлиб ўтган VI CIOFF жаҳон фольклориадасида, Хива шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро маданий форуми очилиш ва ёпилиш маросимларида, Нукусдаги II халқаро бахшичилик санъати фестивалларида муносиб иштирок этди. Шунингдек, “Анқара халқаро ҳафталиги” ва Анқара шаҳри Туркия пойтахтига айлантирилганининг 98 йиллигига бағишланган халқаро маданият ва санъат, Ҳиндистоннинг Райпур шаҳрида бўлиб ўтган XII халқаро миллий рақс фестивалларида юксак олқишларга сазовор бўлди.

Венгрияда Жаҳон конгресси ҳамда фольклор фестиваллари ва халқ амалий санъати ташкилотлари халқаро кенгаши ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этиб, ушбу конгресс аъзолигига қабул қилинганини эса ансамбль ҳаётида муҳим тарихий воқелик дейиш мумкин.

Жорий йил июль ойида Туркиянинг Бурса шаҳрида ўтказилган халқаро фольклор рақс ансамбллари танловида иштирок этган жамоа 20 давлат вакиллари орасида иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Шунингдек, “Айқулаш”нинг Шимолий Македонияда бўлиб ўтган “SARAJ FEST – 2023” ҳамда TÜRKSOY ташкилоти томонидан Озарбайжоннинг санъат бешиги саналган Шуша шаҳрида ўтказилган “Харибулбул” халқаро фольклор фестивалларидаги иштироки ҳам ўзига хос бўлди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон. Венгрия, Молдова, Россия, Туркия сингари кўплаб давлатларнинг фольклор жамоалари иштирок этган тадбирда Озарбайжон маданият вазири Одил Каримли ҳам бахши-жировларнинг чиқишини катта қизиқиш билан томоша қилгани, келгусида ижодий ҳамкорлик қилиш бўйича таклифлар билдиргани ансамбль жамоасини янада руҳлантирганига шубҳа йўқ.

“Айқулаш” ҳали кўп йиллар жаҳон санъат аҳли эътиборидан тушмай, минг-минглаб санъатсевар қорақалпоқ фарзандларига улкан маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади. Зеро, уни миллийлик етилтирди, toblади. У миллатнинг тиниқ кўзгуси, миллийликнинг мевасидир.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

БОҚИЙ МЕРОС



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

# МУҚАДДАС ОЛАМНИНГ СИРЛИ ҚЎШИҒИ
## ЁХУД ХАЛҚИМИЗНИНГ ЛАБИДАН КУЛГУ АРИМАСИН

“Чустий домланинг тўнғич ўғли Музаффархон Хўжаев бир куни ҳадди сиққан 4-5 ҳамкасбини уй бузиш ҳашарига таклиф қилди. Эртасига чошгоҳда дўстлар жам бўлиб, уй бузишга тушиб кетдик. Столда ўтириб хомиқиб қолган қаламкашлар 4-5 ғиштни кўчираман деб, тоб ташлаб юбордик. Қўлларимиз қавариб, қонталаш бўлиб кетди.

— Бўлди, етар, — деди Музаффархон ака, — қолганини мардикор болаларга қўйиб берақолайлик. Ундан кўра, дадам беҳол, барчамиз бориб, у кишидан ҳол сўрасак, шу ҳам катта савоб.

Озроқ бозорлик қилиб, домланинг хонадонига йўл олдик. Борсак, уйларида меҳмон — Қўқон ўлкашунослик музейи директори Ибодулла Раҳматуллаев бор экан. У киши ҳам домлани йўқлаб келибди.

— Булар ўғлимизнинг ўртоқлари, эски уйимизнинг ёғочларини кўчириб келишяпти, ҳашар қилган, — деди Чустий домла бизни таништириб.

— Эҳ-ҳа, булар *уйбузарлар* денг ҳали, — деди меҳмон ғоят тагдор қилиб.

— Бизлар росмана *“шағал тўкдик”* (шарақлаб кулиб юбордик).

— Энди шу пайровдан кетар эканмиз-да, — дедилар Чустий домла. — Ҳашарчиларнинг ҳам кўнгиллари ёзилади баҳонада.

— Шу деймaн, домла, Қўқондан туриб эшитиб қолдим: Чустий домланинг *уйлари бузилиб*, нима *қилишни* билмай *ҳовлиқиб* юрибдилар, деб.

— *Ҳовлиқилиш* осон эмас экан, Ибодуллахон ука, материал танқис — тополмай, касал бўлиб қолдим, у ёғини сўрасангиз, *то невропотолок*кача (потолок — русча: шифт) чиқдим-да ўзиям. Райисполкомдагилар: “Борамиз, ёрдам берамиз”, дейишганди, мана, ҳалигача ҳеч ким йўқ.

— Ундай бўлса, *юқоридагилар*ни пойлаб, эрталаб бўсағада роса *ўтирган* бўлсангиз керак?

Чустий домла бир ёғи кексалик, бир ёғи бетоблик сабаб чарчаётгани анча билиниб қолганди. Буни вақтида англаган меҳмон бугунги гурунгга чек қўйиш учун аскияни қисқароқ қилди:

— Чустий домла, *ҳовлиқилиш*дан анча чиқиб қолибсиз, рангингизни қаранг — кўрганлар: “*Бу чолдевор* бўлиб қолибди”, дейди.

Аскиянинг битта ўзгармас қонуни бор: “Гап келганда, отангни аяма”, деган. Бунда ҳам шундай бўлди. Чустий домла ўзларини йўқотиб, ранглари оқариб кетди. Меҳмон аста ишора қилиб, бизга рухсат берди”.

* * *

Юқоридаги аскияга уланиб кетган воқеани 2015 йил 9 март куни моҳир таржимон Амир Файзулла тилидан ёзиб олган эдим. Фольклор асарлари, жумладан, аскиянинг асрлар оша яшашининг сири унинг ижодкорлари ҳам, ижоддошлари, яъни тингловчилар, томошабинлар ҳам қуймақулоқ — хотираси бир кўргани, бир эшитганини унутмайдиган даражада кучли одамлар эди. Амир Файзулла бундан қарийб ярим аср аввал бадиҳа тарзида айтилган аскияни бу қадар аниқ такрорлаши ҳам шундан. Демакки, фольклор, унинг барча намуналари, жумладан, аския, қизиқчилик она тилининг туганмас бойликларини юзага чиқариш, тобора ривожлантириш, бойитиш, шунингдек, миллат, айниқса, ёш наслнинг зеҳниятини ўстириш, фаҳмини чархлаш йўлида бутун ижодий кучини сарфлайди.

Бежиз эмаски, давлатимиз раҳбари мамлакатимизда миллий қадриятларимизни, шу жумладан, миллий аския ва қизиқчилик санъатини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш ва келгуси авлод учун номоддий мерос сифатида етказиш мақсадида алоҳида қарор қабул қилди. Эндиликда Марғилон шаҳрида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги республика аския ва қизиқчилик марказининг ташкил этилиши юқоридаги мақсадларга хизмат қилажаги аниқ. Зеро, бу Марказ устоз-шогирд анъаналарини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни тарбиялаш, маданият ва таълим муассасаларида аския ва қизиқчилик санъати тўгаракларини ташкил этиш, аския ва қизиқчилик санъатини сақлаш ва тарғиб этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, айни йўналишдаги ижодий ва илмий фаолиятни қўллаб-қувватлайди. Аскиячилар ва қизиқчилар оммавий байрамлар ва маданий тадбирларда фаол иштирок этишини таъминлайди, уларнинг мамлакатимизда ва хорижий давлатларда гастроль фаолиятини амалга ошириш, фестиваль, кўрик-танлов, ижодий кечалар, аския ва қизиқчилик томошаларини ташкил этишга кўмаклашади. Аския ва қизиқчилик санъатининг пайров, қофия, баҳрибайт, афсона, радиф, айтишув, раббия каби ноёб шаклларини асраш ва тарғиб этиш, саҳнавий сюжетларини ривожлантириш ҳамда истеъдодли сўз усталарининг ижод фондини ва махсус адабиётларни яратиш жараёнида эса бу санъатлар камолоти таъминланади.

Умуман олганда, эндиликда аския ва қизиқчилик санъати ҳам, унга бағишланган илмий тадқиқотлар ҳам юқори босқичга кўтарилади.

Филология фанлари доктори, профессор Комилжон Имомов кулгу сеҳрли кучқудратга эга, деб англаш қадимги мифологик эътиқодлар ҳамда Наврўз билан боғлиқ ҳолда тўлиқ анъаналашгани, тадқиқотчилар маросимлар таркибидаги кулгу хурсандчилик ва шодлик ато этувчи сирли куч — сеҳрни ташиган, магик кулгу никоҳ, бола туғилиши ёки Наврўз кунларида юз берган ўйин-кулгуларда, кўнгилхушликларда амал қилганини, кишиларга ҳаёт бахш этувчи жодуга молик бўлганини алоҳида таъкидлаганини эслатади. У магик кулгу кейинчалик сеҳрли эртакларга кўчганини билдириб, мисоллар келтиради. Ушбу илмий ахборотдан ибрат олиб, аскияни магик кулгу кесимида ўрганиш унинг феноменини теран, ҳар тарафлама таҳлил ва талқин қилишга имкон яратади, деган тўхтамга келамиз. Зеро, одамзод серпуштлигини кулгу магияси паноҳида сақлаш, амалга ошириш аскиянинг юксак вазифасини (миссиясини) белгилаган. Аскиядаги, улуғ адиб Абдулла Қаҳҳор иборасини қўллаб айтсак, шабада чиқариш усули инсоннинг никоҳ тузиб, оила қуриб, фарзанд кўриб, зот-зурриёт қолдиришдек энг олий бурчини улуғловчи мажоздир.

Аския жуда юксак ва мураккаб санъат. Аскиячилар мавриди топилганда, лақабларни ҳам “ўйнатадилар”. Аммо бу бадиий усулни илғай олмайдиганлар ҳам топилади. Ўзбек болалар фольклори бўйича ёзилган диссертациянинг дастлабки муҳокамасида қатнашганимда, гувоҳ бўлдимки, бир ўринда нима учундир лақаб замиридаги эстетик моҳиятдан тамомила узоқлашиб, текис ерда қоқилган муаллиф шундай деб ёзган — сабабини ҳеч тушуниб бўлмайди: “Катталар орасида азалдан бир-бирига лақаб қўйиб, лақаббозлик қилиш *одатий иллат* (таъкид бизники — М.Қ.) даражасида сақланиб келаётир. Буни эса табиатига кучли тақлидчилик майли хос бўлган болалар ҳам ўзлаштириб олган. Улар орасида лақаббозлик ўйин даражасига кўтарилган. Бунда бирор-бир камчилиги сабаб лақаб орттирган шахсни *таҳқирлаш* (таъкид бизники — М.Қ.) кўзда тутилади”. Жавобан, биз устоз Абдулла Қаҳҳор 1963 йилда ёзган шу сўзларни эслаб, ўқиб бердик: “кишиларга “лақаб қўйиш мумкин эмас” деган даъво жаҳолатдан ва демагогиядан бошқа нарса эмас. Аскияда лақаб кишини ҳақорат қилмайди, балки сўз мусобақасида бир восита бўлади, холос. Саҳнада ўғри, порахўр, айиқ, ит, эшак қиёфасида чиқадиган артистлар ҳақорат остида қолди, деган гап кимнинг хаёлига келиши мумкин”.

Бу каби доно ўгитларни унутмай, ижодий фойдаланишимиз хайрли бўлади.

Этнографлар томонидан тўпланган маълумотлар, далиллар кундалик турмушимиз, маросимларимиз, одатларимиз тубидаги тасаввурларнинг асосий қисми ҳосилдорлик, серфарзандлик мурод-мақсади сарчашмасидан бошланиб, асрлар, эралар оша яшаб келаётганини тасдиқлайди. Ўлиб-тирилувчи табиат ҳақидаги тасаввурлар заминидан униб чиққан маросимларга пухта ҳозирлик кўрилиб, махсус безаклар тайёрланган. Маълумки, ўтган узоқ замонлардан то ҳозирги кунларгача ҳам Фарғона водийси қизлари кўкламда тол новдаларига сариқ гуллари ярашиб тизилганда, уларнинг пўстини шохларидан устидаги гуллари билан биргаликда шилиб олиб, кокилларига толпопук қилиб тақадилар, қошларига ўсма тортиб ясанадилар, ҳалинчак учадилар. Бу ўлиб-тирилган табиатни эъзозлашдир. Эру хотин, ёшу қари чаккасига гул, райҳон, лола тақиши ҳам шунинг далолати.

* * *

Президентимизнинг “Республикада миллий аския ва қизиқчилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги муҳим тарихий қарори мамлакатимизда аския ва қизиқчиликни янада ривожлантириш билан биргаликда, халқимизнинг бу ноёб номоддий меросини ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган “Табассум” халқаро кулги фестивали саҳнасида жаҳон миқёсида тарғиб қилиш учун ҳам кенг йўл очди.

Халқимизнинг лабидан кулгу аримасин!

Кулгу ижодкорлигимиз жаҳонда тинчликни, дўстликни, ҳосилдорликни, серфарзандликни, оилани, она тилимизни, гўзал Ватанимизни улуғлаб, бадбин оммавий маданиятни уятга қолдириб, одамийлик эъзозланишига беминнат камарбаста бўлаверсин!

**Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ,**
**филология фанлари номзоди**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-846.
43690 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 00:05 Топширилди — 01:45